# АНДИЖОН: ВОДИЙ



(Бошланиши 1-бетда.)

Эндиликда дунё автомобилсозлари қаторидан жой олган. халқимизнинг фахрига айланган, Асакадаги "GM — Uzbekistan" ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бир вақтлар тиркамалар ишлаб чиқарувчи заводнинг ҳувиллаб қолган корпуслари, турли мойлар тўкилавериб гиёҳ ҳам битмайдиган ҳудудида барпо этилганини кўпчилик унутиб ҳам юборди.

Мазкур корхона ўзининг 17 йиллик фаолияти давомида "Tiko"дан тортиб "Shevrolet" бренди билан ўта замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришгача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Автомобилларнинг тури, технологик хусусиятлари тобора такомиллашиб, янги платформалар негизида "Lasetti", "Spark", "Cobalt" каби 8 турдаги автомобиль ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Айни дамда уларга бутловчи қисмлар етказиб берадиган корхоналар тармоғи ҳам тобора кенгайиб бораётир. Андижон вилоятининг ўзида бундай корхоналар сони 108 тага, улар томонидан тайёрланган маҳсулот ҳажми эса бир триллион юз миллиард сўмга етди. Мазкур тармоқда эндиликда 22 минг 400 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги тантаналари арафасида корхона конвейери икки миллионинчи автомобилни чиқарди.

Хонободдаги "Андижонкабель", "Ўз Коджи", "Хонобод қурилиш", "Ҳамкорлик элегант" сингари ўндан ортиқ замонавий корхоналар минглаб ёшларни ўз бағрига олган. "Ўз Коджи" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг ёруғ, саранжом-саришта цехларида эртаю кеч ёшликка хос жўшқинлик, азму шижоат ҳукмрон. Бу ерда меҳнат қилаётган 1800 нафардан зиёд ишчи-хизматчининг мингдан ортиғини ёшлар ташкил этади.

— Коллеж битирувчиларидан 174 нафари ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўтади, — дейди корхона менежери Омаджон Ўринбоев. — Йигит-қизларимиздаги иштиёқ, янгиликка интилиш, изланишни кўриб, очиғи ҳавасингиз келади. Жамоамиз жорий йилнинг олти ойида 50 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарди. Шубҳасиз, бу ютуқларда ёшларимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Муҳими, бундай корхоналар ҳозирда ҳар бир шаҳар, туман, ҳатто энг олис қишлоқларда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг шарофати билан ҳудудлар тизими ва қиёфаси тубдан ўзгараётир, корхоналарнинг кучли рақобат шароитида ишлашига эришилмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотлар эса ўзининг сифати, рақобатбардошлилиги билан жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаётир.

Вилоятда жорий йилда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида 338 та, қурилиш материаллари саноатида 103 та, енгил саноатда 159 та ва бошқа соҳаларда жами 432 та лойиҳа амалга оширилди. Асака туманида йилига 100 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган "Синг лида" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. 6,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция эвазига барпо этилган мазкур корхонада 100 та янги иш ўрни яратилди.

Кейинги йилларда корхоналарни техник ва технологик янгилаш йўли билан маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш, муқим иш ўринлари барпо этишга эътибор қаратилмоқда. Бу эса импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш баробарида экспорт салоҳиятини юксалтириш имконини ҳам бермоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, 7 йил илгари вилоятда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 31,5 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йилга келиб, бу кўрсаткич 40 фоизга етди. Шу давр мобайнида жами қиймати 66 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 19 та йирик лойиҳа амалга оширилди. Янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига 3,5 мингта иш ўрни очилди. Шунингдек, пойабзал ишлаб чиқариш 8,6, чарм-галантерея буюмлари 11, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13 бароборга ўсди.

Айни кунда Андижон шаҳрида саноат гуркираб ривожланмоқда. Энг илғор технологияларга асосланган "Uz Koram Ko", "Metaltorg LUKS", "Elektro Sozbash", "Ўз Донг Жу Пейтинг Ко", "Чилангар ҳамкор" "UPM textile" "Ўз Хвану", "Олмос текстил Анд" сингари ўнлаб корхоналар ташкил этилди. Ўтган йили маҳаллийлаштириш дастури доирасида ҳудудий корхоналар томонидан 74,6 миллиард сўмлик бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари замонавий ишлаб чиқариш соҳаларига, хусусан, автомобилсозлик ва автомобилларга хизмат кўрсатишга эътибор қаратмоқда. Бу эса аҳолининг иш билан таъминланишида, фуқаролар даромадини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Андижон шаҳрининг 14 та кўчасида янгиланиш, ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Навоий шоҳкўчасидаги 26 та икки қаватли уй ўрнида беш қаватли маҳобатли бино қурилишига киришилди. Уларнинг биринчи қаватидан савдо ҳамда маиший хизмат шохобчалари жой олмоқда.

"Саркор-ҳамкор сервис", "Анд конструкцион", "Ихтисослашган воҳа қурилиш", "Милано бизнес инвест" сингари масъулияти чекланган жамиятининг қурувчилари ана шу биноларни ўз вақтида уй эгаларига топширишни зиммаларига олган.

Андижоннинг ҳатто Европа шаҳарлари кўчаларидан асло қолишмайдиган Ўзбекистон кўчасида чеҳрасидан нур ёғилиб турган фариштали нуронийлар, меҳр-оқибатли аяжонлар, озода ва саришта кийинган ўғлонлар, бир-биридан сулув, иболи қизлар билан эртаю кеч гавжумлигини кўриб, кўзингиз қувнайди. Бугунги фаровонлик учун қалбингизда шукроналик туйғуси жўш уради.

— Шаҳарнинг қоқ ўртасида катта бўлганман, — хотиралари жонланади узоқ йиллар транспорт соҳасида ишлаган Ваққосхон ака Бердиевнинг. — Авваллари бепарвороқ эканмиз-да, эринчоқроқ ҳам эдик. Гувала кесакдан тикланган уйимизнинг пастқамлиги-ю, лой томидан чакка ўтавериб ҳилвираб қолгани, остонамизни ёнлаб ўтган арикчаларда сувлар оқмай қўйганига юрагимиз кўпам жизилламай қолган экан. Энди-чи? Истиқлол кўнгилларимизга ёниб яшашдек эзгулик, покиза орзулар, қутлуғ мақсадларни олиб кирди. Истиқлол йўлларимизни, келажагимизни ёритди. Нияту интилишларимизга қанот бағишлади. Бир қовун пишиғи ўтиб-ўтмай Ўзбекистонимизнинг ҳусни-жамолини, кўрку латофатини, халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик салоҳиятини ўзида акс эттириб турган Ўзбекистон кўчасида 138 та кўп қаватли уй қурилди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, уларга 248 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шундан 220 миллиарди хусусий тадбиркорларники.

Кўчанинг икки юзидаги арикчалардан мавжланиб оқаётган сув йўлак четларини безаб турган ям-яшил майсаларга, майин шабадага юзини тутганича эркаланаётган эман, япон сафораси, каштан, қрим қарағайи, оқ қайинларга ҳаёт улашиш учун югургилайди.

Ана шу йўлга туташиб кетувчи Ҳунармандлик кўчасида янги Арк ичи мажмуаси ҳам бунёд этилди. Ундаги 2 ва 3 қаватли биноларда 200 нафардан ортиқ ҳунарманд ёғоч ва темирга "жон" бағишлаётир.

Шаҳардаги Амир Темур, Миллий тикланиш кўчалари, Навоий ҳамда Бобур шоҳкўчалари тўлалигича таъмирлангач, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Навоий шоҳкўчасининг 2 километрлик қисми кенгайтирилиб, жаҳон андозалари даражасида таъмирланди. Йўл четларига ўрнатилган ёритиш чироқлари, йўлакларга жойлаштирилган гулдор тўшамалар, гулзорлар, биллур сувлари кўкка сапчиётган фавворааларга боқиб тўймайсан, киши.

Кўркам ва муҳташам биноларни барпо этиш билан бирга хизмат муддатини ўтаб бўлган оқава сув қувурлари, ичимлик суви тармоқлари янгиланмоқда. Навоий, Бобур шоҳкўчалари ҳамда Амир Темур кўчаларида бу юмуш ниҳоясига етказилди.

Андижон давлат университетининг муҳташам ўқув биноси, "Ёшлар маркази", "Бадиий гимнастика зали", "Ёшлар спорт саройи", 20 минг томошабинга мўлжалланган "Баркамол авлод" ўйингоҳи, катта теннис корти, Олимпия заҳиралари спорт коллежига ўхшаш ўнлаб иншоотлар мафтункор кўриниши билан барчани ўзига ром этади. Жорий йилда 2 та олий ўқув юртини реконструкция қилиш, Андижон тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказини барпо этиш кўзда тутилган.

Алишер Навоий номли, Нодирабегим, Боғишамол дам олиш масканi, "Камолот" ёшлар боғи, болалар боғи тўла таъмирдан чиқарилгач, ўзгача тароват ва латофат касб этди. Дам олиш кунлари, ишдан сўнг аҳоли ўз фарзандларини етаклаб, сайр қилишаётганини кўриб бахтдан энтикасан, киши.

Бозорлар ҳамиша халқ турмуш даражасини белгиловчи омил бўлган. Шу маънода Янги бозор, Эски шаҳардаги "Деҳқон бозори", "Жаҳон бозори", Боғишамолдаги "Автомобиллар эҳтиёт қисмлари" масъулияти чекланган жамияти пойтахтимиз бозорларига ўхшаш кўринишга эга бўлди. Кейинги бир йилда Чўлпон 100 йиллиги, Форобий, Бўстон, Андижон, Дўстлик маҳаллалари, шунингдек, 6, 7, 8-кичик даҳаларда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, савдо шохобчалари, миллий ҳунармандлик дўконлари барпо этилди.

— Президентимиз халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида "Андижон халқининг изланувчанлиги, янгиликка интилиб яшаши, ташаббускорлиги — ана шундай фазилатлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда ўз ифодасини топмоқда", дея алоҳида таъкидладилар, — суҳбатга қўшилди тадбиркор Шавкатбек Шуҳратбеков. — Ҳақиқатан ҳам юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани, кўпдан-кўп имтиёзлар берилаётгани айни муддао бўлмоқда. Ўзимдан мисол келтирадиган бўлсам, шаҳримизнинг Амир Темур шоҳкўчасида "OSIYO GRAND" савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси биносини қуриб битказдик. Лойиҳа қиймати 3 миллиард 200 миллион сўмлик иншоотда бир вақтнинг ўзида 450 киши овқатланиб, ҳордиқ чиқариш имконига эга. Бинонинг учинчи қаватида эса ҳунармандлар яратган буюмлар, осори атиқалар ҳамда зардўзлик, заргарлик ашёлари ўрин олган.

— Баландроқ жойда туриб шаҳар ҳудудига назар ташланса, ям-яшил манзара кўз ўнгингизда намоён бўлади. Улар игна ва япалоқ баргли дарахтлар уйғунлигидир, — мулоҳазаларини ўртоқлашади шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бош меъмори Рустамжон Иминов. — Яшил майдонларни барпо этишнинг амалий методикасига кўра, марказий хиёбонлар ландшафтида газон ва гуллардан фойдаланилмоқда. Аҳоли турар жойларида эса ёпиқ композиция яратишга ҳаракат қилинмоқда. Бу ҳам шаҳарнинг ўзига хос кўринишга эга бўлаётганидан дарак.



Ободлик, гўзаллик, кўркамлигу файзу-тароват кўнгиллардан бошланади. Турфа гуллар чўғдай товланиб турган майдонлар, кўча бўйлари, боғу роғлар кишига ҳайрат бағишлайди. Яқинда Истиқлол сайилгоҳи ҳамда Истиқлол, Миллий тикланиш кўчаларини очилиш маросими бўлиб ўтди. Андижон туманидаги "Гулшансавдоэлит" масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Шуҳратбек Нуриддиновни икки кўча кесишган чорраҳа четидаги гулхонани сопол уйчалар, кўзалар билан безатаётгани устидан чиқдик.

— Мен бу ерда ўзбекона қадриятлар тимсолини яратмоқчиман, — деди у. — Буни кўрганлар халқимиз маданияти узоқ тарихга туташлигини тушунсин, дейман...

Кўчаларга ўрнатилган нақшинкор симёғочлар, турли диод чироқлар нури Истиқлол сайилгоҳидаги ландшафт безакларига ўзгача чирой беради. Бу ерга келганлар мароқли ҳордиқ чиқариб, дам оладилар. Шубҳасиз,Истиқлол сайилгоҳи ва Миллий тикланиш кўчаси андижонликлар фахрига, ҳар кун соғиниб келадиган масканига айланиши табиий.

Айни пайтда вилоятда чет эл инвестицияси иштирокидаги 90 га яқин корхона фаолият кўрсатаётир. Ялпи саноат маҳсулотларининг 80 фоизи, жами экспорт ҳажмининг эса салкам 89 фоизи шу корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жорий йилда "Шоҳинур давр текстиль", "Эверест строй металл", "Маҳзуна ко лтд", "Эксклюзив текстиль плюс" сингари 19 та масъулияти чекланган жамият ҳам экспортчи корхоналар қаторидан жой олди. "Эверест асбест", "Техно-иноватор" масъулияти чекланган жамиятларида эса асбест қувурлар, пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мазкур корхоналарда тайёрланган маҳсулотларнинг асосий қисми Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Россия, Украина, Козоғистон, Хитой, Жанубий Кореяга экспорт қилинаётир.

Вилоятда жорий йилнинг олти ойида 1462 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинди ҳамда уларнинг умумий сони 40207 тага етди.

Андижон иқтисодиётининг нурли уфқлари ҳали олдинда. Чунончи, вилоятнинг 2013-2015 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, "Ўзқурилишматериаллари" компанияси вилоят ва туман ҳокимликлари билан биргаликда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 25 миллион долларлик 174 та лойиҳа, "Ўзфармсаноат" компанияси маҳаллий тадбиркорлар иштирокида жами қиймати 10 миллион АҚШ долларилик 5 та лойиҳа, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси эса маиший техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган, жами қиймати 10 миллион долларга яқин 5 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Чиннигул, гултожихўроз, печакгул, оқ, қизил, пушти рангларга юзини чайган атиргуллар каштан, арча, япон сафораси каби кўркам дарахтлар ораларидан нозлана-нозлана рухсорини кўз-кўзлайди. Ифорларини таратади. Қулфи дилингизни очиб, руҳингизни кўтариб юборади.

---

**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

# МАҲАЛЛА ОБОД — МАМЛАКАТ ОБОД

**Бугунги кунда Жиззах вилоятида 306 маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини Жиззах вилояти қишлоқ ва маҳаллаларининг янада обод бўлиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Бу ўзгаришлар маҳаллаларда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида, барпо этилаётган янги ижтимоий, маданий, ишлаб чиқариш иншоотларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар маҳаллаларнинг ташқи кўринишини ўзгартириш билан бирга, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоятда 1 минг 600 дан зиёд намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар барпо этилиб, йигирмадан ортиқ янги маҳаллалар ташкил этилди. Массивларда коммунал, савдо, маданий-маиший мажмуалар, кенг ва равон йўллар барпо этилаётгани аҳолига катта қулайлик яратмоқда.



H.Haydarov olgan surat

— Маҳалламизда намунавий лойиҳалар асосида қурилган 50 янги уй-жой билан бирга замонавий инфратузилма иншоотлари, болалар спорт майдончаси ташкил этилгани одамларимизнинг дунёқарашини, ҳаётга муносабатини ўзгартирмоқда, — дейди Ғаллаорол тумани Сарбозор маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Шарофат Элмуродова. — Бу Юртбошимиз томонидан аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан фуқаролар йиғинлари махсус мебель ва компьютер жамланмалари билан таъминланди.

Бундай эзгу ишлар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларининг обрў-эътибори ва масъулиятини оширмоқда.

Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган сайловларда 306 маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади. Айни кунларда вилоятда ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

---

# ФАОЛИЯТ ОЧИҚЛИГИ ЙЎЛИДА

(Бошланиши 1-бетда.)

Унда мурожаат қилувчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлишмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 200 нафардан зиёд фуқаронинг саволларига мутахассислар томонидан ўз вақтида жавоб қайтарилди.

— Фаолиятимиз очиқлигининг ўзига хос шаклларидан яна бири фуқаролар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун бошқарма ва божхона постларида фойдаланувчилар учун қулай бўлган жойда 9 телемонитор ўрнатилган, — дейди вилоят божхона бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Гули Furthermore Бобоқулова. — Уларда соҳага оид янгиликлар, шунингдек, жорий этилган қулайликлар, электрон декларациядан фойдаланиш тартиблари ҳақида кенг маълумотлар бериб борилади. Бугунги кунда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг деярли барчаси ўз офисидан туриб амалга ошираётган импорт-экспорт операциялари ҳақидаги декларацияларини божхонага электрон шаклда тақдим этмоқда. Бу усул уларга ҳам, божхона ходимларига ҳам қулай.

Бошқарма фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида яна бир ташаббус амалга оширилмоқда. Ҳайъат ва чораклик йиғилишларга тадбиркорлар ва журналистлар ҳам таклиф қилинаётир. Бу божхоначилар фаолиятининг очиқлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЖАВОҲИРИ



Сўлим бу тароват, бу кўркамлик истиқлол тонгида яралган ва ҳозирга қадар барчада, айниқса, юртимизга узоқ-яқиндан ташриф буюраётган меҳмонларда ҳавас уйғотаётган ажиб мўъжизалардир.

— Ҳар бир инсон ўз келажагига ишонч ва умид билан, эзгу мақсадлар билан яшасин экан, — кўнглидан кечаётганлари билан ўртоқлашади меҳнат фахрийси Ваққосхон ака Бердиев. — Ёшим етмишдан ўтяпти. Турли раҳбарлик вазифаларида ишладим. Бизлардан режа, мажбуриятни сўзсиз бажариш талаб этилар эди-ю аммо ҳолинг калай, турмушинг-чи, кўнгил чигиллари ёзиляптими, дегувчилар йўқ эди. Қишлоқлардаги муаммолар, маҳаллалардаги аҳвол билан бировнинг иши бўлмасди. Ўнқир-чўнқир, қинғир-қийшиқ йўллар шох-шабба билан тўсилган бўларди. Ҳар икки дарвоза ёнида ғўзапоя, похол, маккапоя ғарами деваланиб ётарди. Гувала, пахсадан кўтарилган деворлар ёмғирдан нураб, уваланиб кўзга хунук куринарди. Пастқам лой томли уйлар мунғайиб турарди. Гоҳида ўзимга ўзим нимага шундай эди, деган саволни бераман. Назаримда одамлар ўз қобиғига ўралганча яшарди. Тепадан бериладиган топшириқларни бажаришга ўрганиб қолган эдик. Инсонга бир мартагина бериладиган улуғ неъмат — ҳаётни гулдек қилиб ўтказишга руҳлантирувчи, ғайрат-шижоат уйғотувчи куч йўқ эди. Мустақиллик яратувчилик сари руҳлантирди. Кўнгилларни эртанги ёруғ кунларга комил ишонч эгаллади.

Маълумки, Қамчиқ довонидан ўтган автомобиль йўли Фарғона водийси, жумладан, Андижон вилоятига ва бу ердан мамлакатнинг бошқа минтақаларига юк ва йўловчи ташиш ҳажми ва сифатини янада ошириш имконини бераётир. Кейинги 5 йилда мазкур йўлни кенгайтириш ва реконструкция қилишга қарийб 630 миллиард сўм, йўл техникалари харид қилишга эса 8 миллиард сўм сарфланди.

Андижон вилоятида 2463 километрни ташкил этган умумфойдаланувчи йўллар мавжуд. Шунингдек, ички йўллар 3383 километрни ташкил этади. Эндиликда халқаро, республика аҳамиятига молик ҳамда ички йўлларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, таъмирлаш, сақлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ана шу эътибор самараси ўлароқ, Андижонни қўшни Наманган ва Фарғона вилоятлари билан боғловчи йўлларга эндиликда барчанинг ҳаваси келади. Кейинги йилларда "Куйганёр-Пойтуғ", "Куйганёр-Маданият", "Андижон-Жанубий Оламушук" йўллари "ёшариб" кетди.

Обод турмуш йилида йўлсозлар зиммасига вилоят ҳудудидаги 50,3 километрлик автомобиль йўлларини таъмирлаш юклатилган. Айни пайтда лойиҳа қиймати 63 миллиард 194 миллион сўмликдан иборат 7 та иншоотнинг барчасида таъмирлаш қизғин давом этмоқда. Шу кеча-кундузда "М-39" автойўлининг Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон-Андижон-Ўш" қисмидаги 450-475 километрида реконструкция ишлари жадал бормоқда. "Фарғона халқа йўлининг 147-151, Шаҳрихонга кираверишдаги йўлнинг 10-12, Андижон шаҳрига олиб кирувчи йўлнинг 6-10,5, "Андижон-Тешиктош-Ойим-Қўрғонтепа-Жалақудуқ" йўлининг 50 километри, "Андижон-Жанубий Оламушук-Ойим" айланма йўллари тўла таъмирланаётир.

Йўлларнинг равонлиги ва ободлиги кўнгилларга ёруғлик солиш билан бир қаторда минтақанинг иқтисодий юксалишига хизмат қилади.

Таъмирлаш, ободонлаштириш ишларининг узвийлигини таъминлаш мақсадида 19 та асфальт-бетон қоришмаси корхонаси аҳволи ўрганиб чиқилди. Уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда тўла қувват билан ишлашини таъминлаш учун 280 миллион сўм маблағ ажратилди.

"Буюк ипак йўли"нинг Тошкент-Иркештом оралиғидаги Марказий Фарғона ҳудудидан бошланиб Шаҳрихон, Андижон, Хўжаободдан ўтган қисми ҳайратомуз тарзда ўзгариб кетди. Илгари иккита автомашина бир-бири билан дуч келиб қолгудай бўлса, тор жойда томоша чиқадиган йўллар эндиликда энига уч ҳисса кенгайиб, 24 метрга етди. Улар бир вақтнинг ўзида тўрт қатор қатновга эга бўлди. Ўнлаб замонавий кўприклар тикланди. Йўлларнинг ҳар икки томонида сервис шохобчалари иш бошлади.

Чунончи, Балиқчини Чинобод билан туташтирувчи йўлда Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида 50 дан ортиқ иш ўрнига эга бўлган савдо мажмуаси бунёд этилди. Ундан сал нарида "Учбулоқ" оромгоҳи гул-гул очилиб турибди. Марказий Осиёда ноёб бўлган гулларни шу ерда кўришингиз мумкин. Катта йўлнинг Чинободга кираверишида тадбиркор Азимжон Ҳусанов ўз маблағи ҳисобидан гузар, 80 ўринли мева павильони тиклаб берди. Олимбек қишлоғи Дўстлик маҳалласида "Оталар чойхонаси" барпо этилди. Туманда йил бошидан буён 1200 нафардан ортиқ фуқаро ишга жойлаштирилган бўлса, унинг тенг ярми йўл бўйларидаги сервис шохобчаларда фаолият юритмоқда.



Шаҳрихонни Андижон шаҳри билан боғловчи йўл бўйларида кейинги йилларда 6 та касб-ҳунар коллежи бинолари қуриб битказилди.

Шу йил эрта кўкламда Балиқчи ҳамда Олтинкўл тумани ёшлари Андижонга олиб борадиган катта йўл ёқасига етти минг тупга яқин каштан, япон сафораси, арча, қирқ минг тупдан ортиқ манзарали кўчатлар, йигирма беш минг туп атрофида атиргул ва кўп йиллик гуллар экаётганига гувоҳ бўлган эдик. Ёшлардаги бу шижоат она табиатга чексиз меҳр, ўз гўшасининг ободонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишлари қалбларда ифтихор туйғуларини уйғотади, албатта.

Ҳаш-паш дегунча тўкин куз ўз саховатини эл дастурхонига тўка бошлади. Избоскан туманидаги "Дониёрбек боғи" фермер хўжалигининг анжирзорларидаги тилларанг меваларнинг шираси сиртига тепчиди. Асакалик боғбонлар ҳар бири ҳандалакдай келадиган мевасини кўтара олмай ерга ётиб олган анор шохларини айри билан кўтариш ташвишига тушиб қолдилар. Қўрғонтепа туманидаги "Боғу Фурқат" илмий тажриба фермер хўжалигининг ғўза баландлигидаги олмалари меваларини кўтаролмай қолди. Бундай кезларда Жалақудуқнинг Ёрқишлоғига меҳмонга борганлар ишкомларда товланиб турган "Андижон қора", ҳусайни, "келин бармоқ", "Ризамат ота" сингари узумларни кўриб бошлари айланиб кетади. Хўжаобод туманидаги Имом ота тоғлари ёнбағридаги Фарҳод отанинг пистазорлари, Булоқбоши туманининг Чилустун тоғларига ёндош киви боғлари очилдастурхонга айланади. Она заминимизда мўъжизалар яратишга қодир фермерларимиз, боғбону соҳибкорларимизнинг боғи эрамларидир, улар.

Қўрғонтепадаги интенсив боғ соҳибкори "Боғу Фурқат"нинг ёш, омилкор раҳбари Зафарбек Аҳмедов Тошкент аграр университетида таҳсил олган. Кейинчалик ўқишни Германияда давом эттирган. Шўролар даврида ҳар гектар ерда 350-400 тупдан мевали дарахт парваришлаб, жилла борса 100-120 центнердан ҳосил олинган боғда эндиликда Зафарбек ва унинг маслакдошлари ҳар гектар майдонга 11 минг тупдан олма ниҳолини жойлаб, 50 тоннадан ҳосил олмоқда. Баҳорда ўтказилган кўчат бир йилдан сўнг ҳосилга кирмоқда. Учинчи йилга бориб бу кўрсаткич 80 тоннани ташкил этади.

— Бу натижалар ҳали чегара эмас, — дейди фермер. — Гектарига 27-30 минг тупгача кўчат жойлаштириш ҳаракатидамиз. Дов-дарахт кучга киргач, ҳар уч-тўрт йилда йиғиштирилиб олинади. Боғ йил бўйи асл ҳолатини тиклайди. Мева бера бошлайди. Илдизлари чуқур кетган дов-дарахтлар 25 йил мобайнида кўзланган ҳосилни бераверади.

Мамлакатимизда ягона ҳисобланган Зафарбекнинг 5 гектардан иборат боғи ҳадемай бошқа фермерларни, томорқага эга юртдошларимизни кўчатлар билан таъминлайдиган марказга айланади. Жорий йилнинг ўзида ўнлаб фермерлар, боғдорчилик хўжаликлари бу ерда етиштирилган кўчатлардан баҳраманд бўла бошлади. Келгуси йил учун эса 50 минг тупдан ортиқ ниҳол парвариш қилинаётир.

Андижон заминида шаклланган



деҳқончилик мактабининг довруғи нафақат юртимизда, балки бошқа ўлкаларда ҳам яхши маълум. Бугунги кунда қишлоқда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати айнан Андижон заминида тобланиб, янги тажриба ва куч топаётир.

Ўз ишининг фидойиси бўлган фермерлар кейинги олти йилда сабзавот етиштириш ҳажмини 1,9 баробар, полиз маҳсулотларини 3,5 баробар, мевани 1,8 баробар, узум етиштиришни 2,2 баробар орттириб бажардилар. Айни дамда вилоятда ҳўл мевани қайта ишлаш кенг йўлга қўйилмоқда. Бу айнан кўп тармоқли фермерлар ва деҳқонларнинг ишга ёндашуви ўзгариб, ўз ери, ўз мулкига эгалик ҳисси кучайиб бораётгани натижасидир. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида 699 та истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Соҳанинг барқарор ривожи учун 25,8 миллион АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритилиб, замонавий техника воситалари, ускуна ва жиҳозлар харид қилинди. Жумладан, иссиқхоналар тизими бўйича 44 та, интенсив боғлар ташкил этиш бўйича 97 та, сабзавотчиликда 243 та лойиҳа ўзлаштирилди. Шунинг ҳисобига 5 минг 61 та янги иш ўринлари вужудга келди. Мухтасар айтганда, қишлоқ хўжалигида қўшимча 26,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати 109,7 фоизни ташкил этди. Яна бир эътиборли жиҳати, бугуннинг деҳқони, фермери дунё бозорига чиқмоқда. Бинобарин, Юртбошимизнинг таклифи билан узумчилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган Асака тумани фермерлари шу йилнинг олти ойида 12 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилдилар. Ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 баробар ўсишга эришдилар.

Ушбу сатрлар қоғозга тушаётган пайтда Украинадан хушхабар келди: Симферополь шаҳрида "Fruit inform" компанияси томонидан "Узумнинг олтин шингиллари-2013" (Golden Bunch of Grapes-2013) халқаро кўргазмасида ҳамюртларимиз ажойиб муваффақиятни қўлга киритдилар. Канаданинг "MEDA" агентлиги билан ҳамкорликда бешинчи бор ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон, Россия, Туркия, Швейцария, Голландия, Австрия ҳамда Молдова давлатларидан келган 70 дан зиёд боғбон ва мутахассислар томонидан қадимий ҳамда дурагайлаш йўли билан ундирилган 200 дан ортиқ узум навлари тақдим этилди. Кўргазмада юртимиз вакиллари ҳам 17 хил узум нави билан қатнашди. Улардан олинган ҳосилнинг мазаси бўйича ўтказилган оммавий дегустация якунига кўра, нуфузли тадбирнинг олтин кубоги ҳамюртларимизга насиб этди. Хусусан, Хўжаобод туманидаги Қосимжон Йўлчиев раҳбарлик қилаётган "Мадиёров боғлари" агрофирмаси узумзорларида етиштирилган "оқ ҳусайни", "кетмонсопи", "Андижон қора", "Ризамат ота", "нимранг кишмиш", "келин бармоқ" навлари хорижлик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Андижон ҳунармандлар диёри. Мисгарлик, чилангарлик мактаби усталари ота-боболаримиз улуғлаган қадриятларимизга сайқал бериб, уларнинг довруғини оламга ёймоқда.

— Оиламиз билан дастурхон атрофига жамланиб қолганимизда, — дея ҳикоя қилади ёш ҳунарманд Бобуржон Рустамжон ўғли, — ота-онам ўзларининг ёшлик чоғларида кетмон, бигиз, чархчилик билан шуғулланганини айтишади. Кечалари пахта пилик, тошфонар ёруғида тўн қавиганлари, кашта тўқиб, сўзана тикканликларини эсга олишади. Кейин ҳар биримиздан қилаётган ишларимизу эришаётган натижаларимиз ҳақида сўраб-суриштиришади. Навбат менга келганида чиройли қинга солиниб, оппоқ қоғозга ўралган пичоқни дадамга узатаман. Дадам уни қўлга олиб, кўздан кечираркан, "Ўзинг ясадингми ўғлим", дейди хурсанд бўлиб. Кейин тиғи занглaмайдиган пўлатдан ясалган садаф кўзлари атрофига латун ҳамда кумушдан нафис гуллар туширилган пичоқни ҳаммага бир-бир кўрсатиб чиқади.

Ҳар бир устазода ўзидан бир янгилик қолдириб кетган. Ўша анъанага кўра амакиларим Ботиржон, Шавкатбек акалар билан биргаликда пичоқ дастаси безакларини янада кўркам бўлиши устида изланяпмиз. Пўлатга ишлов бериш, мафтункор гуллар тушириш учун замонавий дастгоҳлар сотиб олдик.

Юртимизда азал-азалдан кулолчиликнинг Самарқанд, Хоразм, Риштон ва Андижон мактаблари мавжуд бўлган. Бугун Самарқанд ва Хоразм мактаблари барқ уриб ривожланаётганлиги сир эмас. Бу равнақ замирида туризмнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Сабаби, Самарқанд ва Хоразмга ташриф буюрган сайёҳлар кулоллар сулоласининг вакиллари билан танишиб, уларнинг иш жараёнларини кузатиб, ўзлари хоҳлаган буюмларни харид қилиш имкониятига эга. Бу ўз навбатида миллий маҳсулотларимизнинг хорижий мамлакатларда ҳам тарқалишига сабаб бўлмоқда.

— Мен кулоллар сулоласининг 14-авлодиман, — дейди Мирзабаҳром ака Абдувоҳобов — Эндиликда ўғилларим, набираларимга ҳам ҳунаримизни ўргатиб қўйдим. Катта ўғлим халқ амалий санъати йўналиши бўйича аспирант. Ўртанчаси эса гулчилик қилмоқда. Умидим кичик ўғлимдан. Энди биз анъанавий бадиий кулолчилик мактабини ривожлантиришимиз зарур.

Мирзабаҳром ака 1995 йил ЮНЕСКО томонидан "Ҳалқаро уста" сертификатини олишга муваффақ бўлган. Шу боис ҳам унга чет элдан "уста-шогирд" йўналишида ўқитиб бериш таклифи билан мурожаатлар бўлиб туради.

Бугун вилоятда анъанавий бадиий кулолчиликни давом эттираётган усталар кўп. Пахтаободда Қутбиддин Турдиев, Мирзажон Қамбаров, Асакада Маннобжон Акбаралиев, Шаҳрихонда Абдуманноб Тиллақулов шулар жумласидандир.

Мустақиллик юртимизнинг ҳар бир гўшасига ўзининг яратувчилик, бунёдкорлик, ободлик сепини ёймоқда. У биз учун, сиз учун аталган асрларга татигулик буюк ўзгаришларни, ҳайратомуз мўъжизаларни тортиқ этаётир. Тинчлик, осойишталикни нондек азиз билган халқимизни янги марралар, зафарлар сари ундамоқда. Меҳнатсеварлик, ғайрат-шижоат, фидойилик ва ватанпарварлик қон-қонига сингиб кетган юртдошларимиз Ватанимиз эртасига, унинг келажаги буюклигига қатъий ишонч билан асрга татигулик ўзгариш ва юксалишларга эришмоқдалар.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ**
**"Hurriyat" газетаси учун махсус тайёрлади.**

*Суратлар муаллифлари*
**Х.Араббоев (ЎзА) ва М.Шомуродов**

**Солиқ почтасидан**

# Дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчиларга имтиёзлар

**Мамлакатимизда солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тадбиркорлик субъектларига янгидан-янги қулайликларни яратмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 20 сентябрида қабул қилинган «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори республикада ахборот-коммуникация технологиялари учун халқаро стандартларга мос дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бундай маҳсулотларни ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни, шунингдек, ушбу маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотилишини таъминлашга кўмаклашишни назарда тутади.**

Мазкур қарорга кўра, Дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчиларнинг миллий реестри software.uz интернет-порталида жойлаштирилган дастурий маҳсулотлар ва ишлаб чиқувчиларнинг миллий каталоги негизида яратилади. Ўз дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва сотишдан олган даромадлари улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул киритилади.

Таъкидлаш керакки, ушбу реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар ҳамда Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, улар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади.

Юқоридаги имтиёзлар татбиқ этиладиган юридик шахсларда ўзи ишлаб чиқарган дастурий таъминот воситаларини экспорт қилиш ҳажми умумий реализация ҳажмининг 50 фоиз ёки ундан кўпроқни ташкил этган тақдирда, ушбу юридик шахсларга солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2 йилга узайтирилади.

Бундан ташқари, дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилари хонадонларда ишловчи (касаначи) жисмоний шахслар билан меҳнат шартномалари тузадиган бўлса, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, товарлар ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга, меҳнат шартномаси тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилади.

Ўрнатилаётган янги тартибга кўра, Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ иш ва хизматларни Интернетда он-лайн дўконлари орқали экспорт шартномасини тузмасдан хорижий валютада экспорт қилиш ҳуқуқига эга. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, қабул қилинган мазкур қарор амалда дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар учун ҳар томонлама қулайлик туғдириши аниқ. Бу эса мамлакат тараққиётида муҳим йўналишлардан бири сифатида ўз самараларини беради, албатта.

**Мақсуд СОЛИЕВ,**
**Мирзо Улуғбек туман ДСИ бўлим бошлиғи**

**Ижтимоий тармоқлар**

# Дунё ахборот исканжасида қоладими?

Дунё шиддат билан ривожланаётган даврда ахборот энг таъсирчан, энг самарали ва ўз навбатида, энг хавфли қуролга айланиб улгурди. Бу борада Интернетнинг "хизмат"и катта.



Интернет виртуал ресурслар хилма-хиллигини вужудга келтирди. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда оммалашиб улгурган ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлишига ҳам замин яратди. Кейинчалик "ўргимчак тўри" деб ном олган бу соҳа ўзидаги имконият даражаларининг кўплиги сабаб, ярим аср ўтмасданоқ, бутун дунёни қамраб олди. Унинг кириб келиши турли атамалар, виртуал кашфиётларни ҳам вужудга келтирди. Дастлаб форум, чат номлари билан аталган кўнгилочар мулоқот воситалари XXI асрга келиб ижтимоий тармоқлар кўринишида хизмат кўрсата бошлади. Бугун уларга дунё аҳолисининг 3 миллиарддан зиёдроғи маънавий озиқланиш мазмунида боғланиб қолган. Аввалига реклама манбаи ёки чат вазифаларини бажариб келаётган бундай тармоқлар бугунги кунга келиб тезкорлик ва бошқа қулай имкониятларга бойлиги боис оммавий ахборот воситаларининг бир қанча вазифаларини ҳам ўзида мужассамлаштириб олди.

Баъзи манбаларда ижтимоий тармоқларнинг вужудга келишини *facebook* ва унинг асосчиси Марк Цукерберг билан боғлашади. *Facebook.com* сайтига 2004 йилда асос солинган. Аксарият ёшларнинг севимли тармоғи бўлмиш *odnoklassniki.ru* сайти 2006 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлса-да, отни қамчилаш борасида бошқалардан ўтиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистонда асосан facebook, odnoklassniki, мой мир, в контакте, twitter каби хориж ижтимоий тармоқлардан ҳамда kun.uz, muloqot.uz, sinfdosh.uz каби миллий тармоқлардан кенг фойдаланилади.

Ижтимоий тармоқлар асосан 15-55 ёшдаги аудиторияни қамраб олган бўлиб, айрим ёшлар учун кундалик мулоқот кўнгилочар воситага айланиб қолди. Шу сабабли ижтимоий тармоқларни замонавий оммавий коммуникация тизимининг бир кўриниши деб эътироф этиш ҳам мумкин. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда 8 миллиондан зиёд аҳоли интернетдан фойдаланадиган бўлса, улардан 5 миллиондан кўпроғи ижтимоий тармоқларга аъзо. Биргина *facebook* ижтимоий тармоғида ҳозирги кунда 901 мингдан ортиқ фойдаланувчи мавжуд бўлиб, улардан 140 минг нафари ўзбекистонлик фойдаланувчилардир. Фейсбук тармоғи маълумотларига кўра, бир кунда 500 миллиондан ортиқ киши сайтга телефон орқали (уяли алоқа воситасида) ташриф буюради. Кунига 3 миллиардан ортиқ изоҳлар қолдирилиб, 300 миллиондан ортиқ фотосурат жойлаштирилади ҳамда 125 миллионта виртуал дўстлик алоқалари ўрнатилади.

Шунингдек, twitter (инглиз тилида "чуғурламоқ", "валжирамоқ") микроблоги жаҳондаги энг машҳур кичик блогли хизмат турларини тақдим этувчи ижтимоий тармоқ ҳисобланади. Мазкур тармоққа 2006 йилда Жек Дорси, Эвен Уилямс ва Биз Стоунлар томонидан асос солинган. У дунё миқёсида 500 миллиондан ортиқ фойдаланувчига эга. Уларнинг деярли 100 минг нафари ўзбекистонликдир. Твиттернинг қулайлиги шундаки, унда ортиқча «зўриқиш»ларга эҳтиёж йўқ: "Бугун мен нима қилдим?", "Ҳозир мен нима қилаяпман?" каби саволларга жавоб берсангиз кифоя. Мана шу "қулайлик" билан твиттер ўз аудиториясини кенгайтирмоқда.

Кундан кунга оммалашиб бораётган, айниқса, тенгдошларимизнинг севимли "учрашув макони"га айланиб улгурган *odnoklassniki.ru* сайти бугунги кунда аъзо йиғиш тезлиги кўрсаткичлари бўйича ошиғи олчи. Унинг салкам 150 миллион фойдаланувчиси мавжуд. Мазкур тармоқ фойдаланувчилари, асосан, 14 ёшдан 55 ёшгача деб эътироф этилади. Ўзбекистонлик фойдаланувчилар эса "одноклассники"нинг 3,5 миллионга яқин қисмини ташкил этади. Маълумотларга кўра, "odnoklassniki"га бир кунда ўртача 30 миллион киши ташриф буюради. Уларнинг 62 фоизи 15-25 ёшдаги фойдаланувчилардир.

Қизиғи шундаки, мазкур ижтимоий тармоқ асли келиб чиқиши рус миллатига мансуб бўлган Алберт Попков томонидан шунчаки реклама жойлаш мақсадида яратилган сайт бўлиб, кейинчалик такомиллашиб, оммалашиб борган ва қисқа вақт ичида минглаб аъзо тўплашга муваффақ бўлган. Бугунги кунда "одноклассники"га 100 дан ортиқ мамлакат фуқаролари аъзо ва улардан энг фаоллари Россия, Украина, Молдова, Болқон ҳамда Марказий Осиё давлатларига тўғри келмоқда. Ҳудудий жиҳатдан ўзида катта виртуал аудиторияни жамлашга улгурган "одноклассники" кундан кунга янги лойиҳаларни тақдим этмоқда.

Одноклассники маъмуриятининг норасмий маълумотларига кўра, бугунги кунда сайтда 200 миллиондан ортиқ профиллар ва 10 миллионга яқин гуруҳлар мавжуд. Уларнинг умумий сони бўйича 1/6 қисми расмий саҳифалардан иборат бўлиб, улардан ҳам тенг ярми гуруҳларга тўғри келар экан.

Ўз атрофига миллионлаб аудиторияни бирлаштирган энг оммабоп фейсбук, твиттер ва одноклассники тармоқлари турли норасмий саҳифалар орқали расмий ахборотларни ҳам биринчилардан бўлиб етказиб бормоқда. Бу масалага одноклассники мисолида ёндашадиган бўлсак, буни асосан, тармоқдаги гуруҳлар бўлимида кўриш мумкин.

Одноклассникида ОАВ вазифаларини ва жамоатчилик билан алоқаларни ўзида мужассамлаштирган энг йирик саҳифа гуруҳлар бўлимидир. "Одноклассники"да гуруҳ яратиш, яратилган гуруҳга аъзолар тўплаш, бошқа гуруҳ ва уюшмаларга аъзо бўлиш, уларга ўз дўстларини ва бошқа фойдаланувчиларни таклиф этиш мумкин. Гуруҳлар "одноклассники"даги энг кўп мулоқот алмашиш бўлими ҳисобланади. Ҳар бир гуруҳда истаганча аъзо тўплаш имконияти мавжуд. Гуруҳ яратувчиси (администратор) ва унинг ёрдамчиси (модератор) томонидан ёки гуруҳ аъзолари томонидан ҳам мавзу ва янгиликлар бериб борилади. Фотосуратлар, видео жойлаштириш ишлари амалга оширилади. Ижтимоий тармоқлар, хусусан, одноклассникидаги гуруҳлар мавзу кўлами ва йўналиши жиҳатдан турличадир. Уларга ихтиёрий кириш ёки кимнингдир таклифи билан аъзо бўлиш мумкин.

Бундан ташқари, жаҳондаги энг оммабоп ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситалари, интернет сайтларининг ҳам расмий саҳифалари ушбу тармоқда жойлаштирилган. Хусусан, Россиянинг Риа Новости, ИтарТАСС ахборот агентликлари, "Первий канал", "Россия", "НТВ" каби телеканаллари ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ҳам расмий саҳифалари турли ижтимоий тармоқларда, хусусан, одноклассникида фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимиз мисолида оладиган бўлсак, бугунги кунда, асосан, фейсбук ижтимоий тармоғида бир қанча ўзбек ОАВларнинг расмий саҳифалари жойлаштирилган. Бироқ, одноклассники ва бошқаларда бу ҳолат унчалик кузатилмайди. Шуни айтиш лозимки, бугунги кунда бошқа ижтимоий тармоқлардан фарқли равишда, одноклассникида бир қанча ахборот тарқатувчи янгиликлар саҳифалари фаолият юритади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва жаҳон янгиликларини бериб борадиган информацион саҳифалар ҳам гуруҳлар бўлимида фаолият юритиб келмоқда. Бундай саҳифалар, асосан, миллий ва хориж интернет сайтларидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда кунига ўртача 3-5 тагача янгиликларни жойлаштирадилар.

Ижтимоий тармоқлардаги янгиликлар саҳифаларидаги ҳамма маълумотларни асосли дейиш қийин. Бироқ улардаги янгиликлар тезкорлиги масаласи баъзи расмий ОАВни ҳам ортда қолдириш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, 2013 йилнинг 1 июлида муомалага чиқарилган 5000 сўмлик банкнот ҳақидаги хабар илк бора ижтимоий тармоқларда тарқалгани кўпчиликка маълум. Бундан ташқари, ушбу банкнотнинг тасдиқланиши борасида ҳам бир қанча расмий ва норасмий англашилмовчиликларга айнан шу ижтимоий тармоқлар сабаб бўлди... Натижада миш-мишларнинг сони ортиб борди. Бу хабар борасида одноклассники ва фейсбук ижтимоий тармоқларида обдон муҳокамалар олиб борилди.

Ижтимоий тармоқлар баъзи корхона ва ташкилотлар, расмий ва норасмий ОАВ, сиёсий фаолият юритувчи уюшмалар ҳамда юридик ва жисмоний шахслар, шоу-бизнес ва кино вакиллари, спортчилар ва бошқа машҳурлар учун самарали тарғибот вазифасини ҳам ўтамоқда.

Хуллас, бугунги кунда одноклассники, умуман, ижтимоий тармоқлар ўз асосий вазифаларидан йириклашган ҳолда, оммавий коммуникация, жамоатчилик билан алоқалар, ахборот йиғиш, тарқатиш ва таҳлил қилиш каби ОАВнинг бир қанча функцияларини ҳам, мафкуравий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳам амалга оширмоқда. Бу ҳолат бугунги ахборотлашган жамиятда янгилик эмасдек кўриниши мумкин. Бироқ ҳар қандай ахборотнинг замирида манфаатли мақсад ётади. Бу манфаат кимга ё кимларга хизмат қилиши доим ҳам аён бўлавермайди. Агар у тўғри мақсад асосида эзгуликка хизмат қила олса, ундан чўчиш эмас, балки қўллаб-қувватлаш лозим. Аксинча, ахборот мафкуравий куч сифатида бузғунчи қурол вазифасини амалга ошириса, у ҳолда бундай ахборот хуружларига қарши курашиш, жиддий чоралар кўриш даркор. Зотан, дунёни бундай ахборий хуружлардан ҳимояловчи восита ҳам айнан ахборотдир.

**Зуҳра ХАЛИЛОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

**Янги нашр**

Яқинда "Зарафшон" газетаси таҳририяти ташаббуси билан "Зарафшон" газетаси кутубхонаси" рукни остида "Биз "Зарафшон"данмиз" номли рисола китобхонлар оммасига тақдим этилди.

## "ЗАРАФШОН" САБОҚЛАРИ




Унда мазкур газетасининг ташкил этилиши ва шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшган, шунингдек, турли йилларда таҳририятда фаолият юритган журналистлар ҳамда амалиётчи мухбирларнинг публицистик мақолалари, очерклари, фельетон ва эсселари жой олган.

Ушбу рисола газетанинг масъул ходими Исомиддин Пўлатов муҳаррирлигида нашрга тайёрланган. Китоб юзини кўрган мақолалар турли йилларда "Зарафшон" газетаси саҳифаларида эълон қилинган бўлиб, улар газетачилик сир-синоатларига бағишлангани билан ҳозир ҳам катта аҳамиятга эга. Бинобарин, бугунги ўқувчи Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Эҳтиёжи миллат", Абдурауф Фитратнинг "Фарзанд тарбияси", Саидризо Ализоданинг "Матбуотнинг фарқи", Ҳожи Муиннинг "Самарқанд матбуоти аҳволи", Нусрат Раҳматнинг "Маугли" каби мақолаларини шунчаки варақлаб ўтиб кетолмайди.

Ушбу китоб соҳага оид муҳим маълумотларга бойлиги билан ўқувчиларда катта таассурот қолдиради.

**Фозил ЖАББОРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

**Нодавлат газеталар саҳифаларида**

# ТИББИЙ АТАМАЛАР ТЎҒРИ ЁЗИЛСА...

Юртимизда тиббиёт соҳасини тубдан яхшилаш, фуқаролар саломатлигига хизмат қилувчи турдош соҳаларни тубдан ислоҳ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада аҳолининг касалликларга чалиниши сезиларли даражада камайди. Ўртача узоқ умр кўриш 66 ёшдан 73,5 ёшга етганининг ўзи ҳам сўзимизнинг исботидир. Қолаверса, бу юртдошларимизнинг тиббий маданияти янада ошаётганлигини ҳам билдиради. Бу жараёнларда оммавий ахборот воситаларининг ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётганини таъкидлаш керак. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда тиббий нашрлар сони анча ортгани кузатилади.

Гап инсон саломатлиги, унинг тиббий маданиятини янада юксалтириш ҳақида кетар экан, бу мавзуни ёритиш борасида айрим камчиликлар мавжудлигини ҳам баён қилиш ўринлидир. Маълумки, тиббиётга кўпроқ урғу берадиган газета ва журналларда чоп этилаётган мақолалардаги соҳага тегишли термин ҳамда тушунчаларни, илмий атамаларни ҳамма ҳам тўлиқ тушунавермайди. Шу боис уларни муштарийларга тушунарли тилда етказиш шу соҳага ихтисослашган журналистлардан катта маҳорат ва билимни талаб этади. Соҳани яхши билган қаламкаш томонидан ёзилган мақола ва суҳбатлар жонли, шунингдек, тушунарли бўлади.

Аввало, «Шифо-инфо», «Ташхис», «Доктор-пресс», «Шифокор», «Дармон», «Сиҳат-саломатлик» каби бир қатор тиббий газета, журналларда чоп этилаётган мақолалар муштарийларга маъқул бўлаётганини эътироф этиш лозим. Шунингдек, бошқа хусусий газеталар ҳам саломатлик саҳифалари билан ўқувчиларни ўзларига жалб этиб келишмоқда. Уларда халқимиз учун зарур маслаҳатлар, тавсиялар, тиббиёт янгиликлари мунтазам чоп этиб борилмоқда. Нашрлар қайсидир маънода ўз олдига қўйган вазифаларини уддалашаётганини ҳам эътироф этиш лозим. Бироқ бу мавзуга қўл урган нашрлар бир қатор камчиликлардан холи эмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Аввало, айрим хусусий газеталарнинг интернетда чоп этилган хорижий мақолаларни ўзларининг асосий манбаларига айлантиришгани ташвишли ҳолдир. Боз устига интернетдан олинган материалларни таржима қилиш жараёнида, оддий газетхонга тушунарли жумлалар тузишда, гапнинг маъносини англатишда кўплаб хатоликлар учрайди. Шунингдек, руҳий маслаҳатлар берилганда менталитетимизга тўғри келмайдиган сўзлар ҳам учраётир. Масалан, айрим нашрлар «эркак киши» таржимасини «кучли жинс вакиллари» дея таржима қилишган. Бироқ бизнинг тилда бундай ибора қўлланилмайди. Шу сингари мавзуларга аниқлик киритиш мақсадида тиббиёт ходимларини суҳбатга тортиб, айрим газеталар ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Тиббий газета ва журналларни мунтазам кузатиб бораман, — дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг умумий ва болалар хирургияси кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Алижон Зоҳидий. — Мен "Шифо — инфо" газетасининг ашаддий мухлисиман. Унинг ҳар бир сонини синчиклаб ўқийман. Нетонгки, ундаги айрим маълумотлар чин маънода кулгили. Масалан, газетанинг 2013 йил 34-сонидаги 2-бетида "қаҳва истеъмол қилган сичқон болалари қаҳва истеъмол қилмаганларига қараганда" деган жумлалар келтирилади. Интернетдан сўзма-сўз ўгирилган бу жумлалар, назаримда, "қаҳва бериб тажриба ўтказилган сичқончалар" дейилса, тўғрироқ бўларди. Шу соннинг 5-саҳифасида "С витамини иммунитет, тўқима ва қон томирлар деворини мустаҳкамлайди" дейилган. Шунча йил тиббиётда ишлаб иммунитетда девор борлигини эшитмаган эканман. Менимча, «С витамини инсон иммунитетини ошириб...» дейилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шу соннинг 7-саҳифасида "...тўпиқ суягининг ортида, унинг орқасида..." деган жумла бор. Одам анатомиясини шунчаки ўрганган мактаб ўқувчиси ҳам бундай нотўғри жумлани ҳеч қачон ишлатмайди. Чунки одамда тўпиқ суяги бўлмайди. Ташқи тўпиқ *кичик болдир суяги*, ички тўпиқ эса *катта болдир суяги* ҳисобига пайдо бўлади.

Шунингдек, «Даракчи» газетасининг 2013 йил, 29-сонида «Базедов касаллиги» кичик ҳарф билан «базедов» тарзида ёзилган. Ваҳоланки, кашшоф номи билан аталган хасталиклар номи катта ҳарф билан бошланиши лозим. Шу сонда (36-бет) «бўқоқни даволаш учун 300 грамм чаканда (облепиха) суви чиқариб олиниб (қаердан чиқариб олинади?) унга зайтун ёғи қўшиб, икки ҳафта салқин жойда сақлаш» маслаҳати берилади. Хўш, кейин-чи? У қанча кун, қайси дозада истеъмол қилиниши ҳақида ломмим дейилмаган. Бундай "думи хуржунда бўлган" маслаҳатнинг кимга кераги бор? Ўша соннинг 49-саҳифасида "Эстимед уролог"нинг рекламасида шундай мурожаат қилади: "Ҳурматли аёллар! Сизни сийдик тута олмаслик безовта қиладими?"... Нақадар қўпол ва хунук ёндашув! Наҳотки икки миллионга яқин сўзга эга жозибали ўзбек тилида бу хасталикни чиройли ва тушунарли сўзлар воситасида ёзиш мумкин эмас?! Яна шу соннинг 5-бетида «Спеман» дорисини реклама қила туриб, ***симптоматик*** сўзини қўпол тарзда бузиб, "симтоматик" тарзида, "п" ҳарфини таг-туги билан йўқотган ҳолда ишлатишган.



Бундай жумлалар "Бекажон" нашрининг тиббий маслаҳатларида ҳам учраб туради. Жумладан, 2013 йил 13-сонининг 42-бетида "Кальций етишмаслигининг асосий белгиларидан бири" дейилганига қарамасдан 6 та аломат санаб ўтилади. Бу қандай мантиқсизлик? Рўзнома ходимлари она тилимиздаги «бирлик» ва «кўплик» деган тушунчалардан бехабар чоғи, 49-саҳифада "истисқо" атамаси "истесқо", "уруғ тизимчаси" "уруғ тизими" тарзида бузиб ишлатилган. Шу бетда Ургутдаги "Шифо" клиникасини овоза қила туриб, "Бўйин, кўкрак ва бел остеохондрозлари" деган жумла ишлатилади. Маълумки, остеохондроз бўйин, кўкрак ва белда эмас, мазкур соҳалардаги *умуртқа суяклари оралиғида* бўлади.

"Суғдиёна" газетасининг 2013 йил 36-сонидаги "Томат терини ёғлардан ҳимоя қиладиган кислоталардан иборат" деган жумла эса ҳақиқатдан анча йироқ. Биринчидан, томат эмас помидор, иккинчидан, у фақат кислоталардан иборат эмас, балки таркибида маълум миқдорда кислоталар мавжуд бўлган жуда фойдали сабзавот. Учинчидан, муаллиф фикрига қараганда тери ёғлардан ҳимояланиши лозим экан. Бу мутлақо нотўғри фикр. Ихтиоз касаллигида терида ёғ етишмайди, оқибатда тери қуруқлашиб ёрилади, қонталаш ҳолда кепакланиб юради. Бу газетада ҳам тиббий терминларни ишлатишда имловий хатолар етарли даражада эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тўғри, имловий хатоларни аксарият газеталарда учратиш мумкин. Лекин тиббий маслаҳатлар беришда ёки тиббий тушунчаларни ўқувчига етказишда сўзларни синчиклаб текшириш зарур. Шунингдек, айрим нашрлар фақат интернет манбаларига суяниб қолмасдан ўзлари ҳам мақолалар тайёрлашса, ёмон бўлмасди. Қачонгача тайёр маълумотлар ўқувчига хом-хатала таржима қилиб берилади? Қолаверса, виртуал тизимдаги маълумотларни хоҳлаган одам газета чоп этилишидан олдинроқ олиши мумкинлиги бугун кўпчиликка маълум-ку! Бундан ташқари интернетдаги ҳар қандай ахборот, маълумотнинг холислигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шундай экан, унда тарқатилган маълумотнинг тўғри ё нотўғри эканини мутахассис билан мулоқот ўтказиб, ойдинлик киритилса, газетхонлар учун янада фойдали бўларди. Газета чоп этишни мақсад қилганлар эса, ўз вазифаларига жиддий ва ижодий ёндашиш лозимлигини сидқидилдан ҳис қилишлари зарур. Токи, уларнинг газетасини ўқиган газетхон ўз соғлигини йўқотишга эмас, тиклашга муваффақ бўлсин.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**
**"Hurriat" мухбири**

**Шарҳ**

# Ишбилармонлик ва инвестицион муҳит ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар

2007 йилда АҚШда бошланган молиявий инқироз очиқ бозор сиёсати ва интеграциялашган глобал иқтисодий муносабатларга таъсир кўрсатиб қисқа вақтда кўпгина мамлакатларга ёйилди ва жаҳон муаммосига айланди. Ушбу инқироз жаҳон молия-банк тизимида ҳам жиддий нуқсонлар мавжудлигини ва тизимни тубдан ислоҳ қилиш заруратини инсоният олдига ҳал этилиши лозим бўлган вазифа сифатида қўйди. Юзага келган бу аҳвол йирик трансмиллий компаниялар, молия институтлари фаолиятига ҳам жиддий зарба бергани ва бу жараён ҳалигача давом этиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Дунё миқёсида кечаётган бундай жараёнларни четлаб ўтиш мақсадида мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури миллий иқтисодиётимизнинг изчил ривожини таъминлаш ва барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида муҳим дастуриламал бўлди.







Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тижорат банклари зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб этилди. Унга кўра, банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини тижорат банклари аукцион ёки танлов савдолари орқали сотиб олишлари, балансга олинган бундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайта жиҳозлашни таъминлаши, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилишлари, кейинчалик мазкур корхоналарни стратегик инвесторларга бозор қийматида сотишлари белгиланган эди.

Натижада 2013 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра тижорат банклари балансига 171 та корхона қабул қилинди. Уларни модернизация қилиш, замонавий техникалар билан қайта жиҳозлаш учун 442,6 миллиард сўм миқдорида инвестициялар киритилди, ҳозирда балансга олинган корхоналарнинг 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилди. Айни кунларда уларда 25 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилганлиги ва шу кунга қадар 122 та корхона инвесторларга сотилганлигини мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

Буни "Фарғона Турон Текстил" МЧЖ мисолида оладиган бўлсак, "Фарғона ипгазлама ишлаб чиқариш" очиқ акциядорлик жамиятининг барча мол-мулклари 2009 йилнинг 8 октябрида "ноль" қийматида, келгусида 9 миллиард сўм инвестиция киритиш шарти билан ОАТ "Туронбанк" балансига берилган эди. Банк томонидан киритилган инвестициялар эвазига корхона Германиянинг «Трючлер» компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий ип-йигирув дастгоҳлари билан жиҳозланиб 2012 йил октябрда ишга туширилди. Кейинчалик "Фарғона Турон Текстил" корхонаси "Текстура" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасига сотилди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида корхона томонидан 21,3 миллиард сўмлик 3 727 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 6,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижий давлатларга экспорт қилинди. Бугунги кунда фабрикада 500 нафар ёшнинг иш билан таъминланганлиги, айниқса, қувонарлидир.

Самарқанд вилоятидаги чинни буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Асл нафис" масъулияти чекланган жамияти ҳам банкротлик даражасига тушиб қолган эди. "Алоқа банк" томонидан киритилган инвестиция шарофати билан корхонага замонавий техникалар олиб келиб ўрнатилди. Пировард натижада тайёрланаётган маҳсулот сифати яхшиланиб, у ички бозорда хориж маҳсулотлари билан рақобатлашадиган даражага етди. Энг муҳими, маҳсулот таннархининг арзонлиги истеъмолчиларга маъқул келаётир. Чинни ишлаб чиқаришда асқотадиган каолин хомашёсининг Сурхондарё вилоятида топилганлиги келажакда маҳсулот таннархини янада пасайтириш, сифатини бундан-да яхшиланишига ҳамда бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳозирга келиб мамлакатимиздаги фаолияти тикланган корхоналарда жами 2,3 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва 631,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги саноат маҳсулотлари хориж мамлакатларига экспорт қилинган.

Қайта тикланган корхоналарга ҳукумат томонидан солиқ имтиёзларининг берилиши ҳам мамлакатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга яратилган имкониятлардан бири, десак муболаға бўлмайди. Унга кўра, янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ва хорижий стратегик инвесторларга сотилган кундан кейин ҳам уч йил мобайнида мол-мулк солиғи, ягона солиқ, даромад ва ер солиқларидан озод этилган.

— Ўн-ўн беш йиллар бурун хориж киноларини томоша қилганимда ўша мамлакатлардаги уй-жойларни, улардаги мавжуд шароитларни кўриб, жуда ҳавасим келарди, — дейди яқинда намунавий уйнинг калитини олган сурхондарёлик Нуриддин Баратов. — Экранга ҳаяжон билан боқарканман, шу топда отам бойиб кетишини, шунақа чиройли уй қуришини, мен укаларим билан у ерда маза қилиб яшашимизни ич-ичимдан орзу қилардим. Бугун эса кўриб турганингиздек, худди шундай уйлардан бирини ипотека кредити асосида сотиб олдим, унда фарзандларим билан дориломонликда яшаяпман.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг замирида аҳоли турмуш даражасини ошириш, унинг фаровон яшашига шароит яратиш каби эзгу ниятлар мужассам. Таъкидлаш лозимки, 2009-2012 йиллар мобайнида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳа асосида 650 та янги уй-жой массиви барпо этилган бўлса, жорий йилнинг ўзида 353 та қишлоқ массивида барча қулайликларга эга бўлган 10 мингта уй-жой қуриш режалаштирилган.

— Ушбу лойиҳага 1 триллион 385 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш белгиланган, — дейди биз билан суҳбатда Марказий банк департаменти директори ўринбосари Зафар Азимов. — Шунингдек, ипотека кредитлари асосида ёш оилаларга сотиш мақсадида республика бўйича 105 та кўп хонадонли уй-жойлар қуришга банклар томонидан 95,3 миллиард сўм миқдорида инвестицион маблағ йўналтирилган.

Қишлоқларимиз, овулларимизда бунёд этилаётган замонавий уйларни кўриб, ҳақиқатдан кўнгил яйрайди. Ҳар бир массивда мактаб, боғча, тиббий пункт, мини банклар, маҳалла идоралари барпо этилганлиги, бундан ташқари, чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари қурилганлиги оилаларга катта қулайлик туғдириши турган гап. Бугун телеэкранларда бир хилда қурилган, замонавий, барча қулайликларга эга уй-жойларни кўрсангиз ажабланманг, фақат ҳавас билан боқинг. Зотан, тез орада улардан бири сизники бўлса, ажабмас.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида банк тизимида касб-ҳунар коллежи битирувчиларини кредитлаш ҳажмларини янада ошириш борасида комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, амалиётга жорий этиб келинмоқда.

Хусусан, 2010-2012 йилларда ушбу йўналишга қарийб 100,0 миллиард сўм миқдорида кредит берилган бўлса, шу йилнинг 9 ойи мобайнида 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 баробарга кўп ёки 108,2 миллиард сўмлик маблағ ажратилди. Мазкур йўналишда Марказий банк тавсияси асосида тижорат банкларида коллеж битирувчиси микрокредит олиш учун таъминот етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошлари — ота-онаси, акаси ёки опасининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафиллик бериш амалиёти жорий этилгани ҳам айни муддаодир.



Марказий банк «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун "Менинг бизнес лойиҳам", "Ёш тадбиркор — элга мададкор" каби бир қатор лойиҳаларни амалиётга жорий этганлиги ва унга кўра битирувчи ёшлар ўз бизнес режалари билан банкка мурожаат қилишлари, бизнес режалар тасдиқланганидан кейин олинган йиллик 12 фоизли кредит эвазига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётганликлари натижасида бугун кўплаб ёшлар иш билан таъминланмоқда.

— Мен 2012 йилда ушбу имтиёздан фойдаланиб ўз бизнесимни йўлга қўйган эдим, — дейди Фурқат агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Лазизжон Тоштемиров.— Ҳозирда ушбу маблағга иссиқхона қуриб лимон кўчатларини парвариш қилаяпман. Олаётган даромадларимдан фаолиятимни кенгайтиришни режалаштириб турибман.

Мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар фаровон ҳаёт ва иқтисодий тараққиётнинг гарови бўлиб бормоқда. Бир пайтлар аграр ҳудуд деб қаралган заминда бугун тадбиркорликнинг турли кўринишлари жадал ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш дейсизми, хизмат кўрсатишми, хуллас, қайси соҳани олиб қараманг якдиллик кўзга ташланмоқда. Айниқса, бунда аёлларнинг ташаббускорлиги қувончли ҳолдир. Президентимизнинг Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармонига асосан эса тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар бошқарадиган корхоналарга молиявий кўмак бериш масаласи ҳам диққат-эътиборда бўлиб келаётир. Бунинг натижасида ўтган ўн йил давомида республикамизда тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини кредитлаш ҳажми 32 баробардан зиёд ўсди. Аниқроғи, мазкур Фармон қабул қилингандан буён тижорат банклари томонидан ушбу йўналиш учун 1 триллион 900 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида эса 500 миллиард сўм миқдорида кредит йўналтирилди. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда хорижлик ҳамкорлар билан самарали алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, Халқ банки, «Микрокредитбанк» ҳамда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича Омонат кассалари жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик туфайли мазкур банкларда кичик тадбиркорликни микрокредитлаш Жамғармаси шакллантирилди.

Ушбу жамғарма маблағи ҳисобидан Халқ банки ҳамда «Микрокредитбанк» томонидан республикада фаолият юритаётган аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2012-2013 йиллар мобайнида 470 минг евродан зиёд микрокредит ажратилганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Бинобарин, Хоразм вилоятида 2004 йилдан буён фаолият юритиб келаётган нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Дилфуза сервис" хусусий фирмаси ўтган давр давомида ўз фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқаришда замонавий хорижий технологияларни келтириб ўрнатиш борасида бирмунча муваффақиятларни қўлга киритди. Корхона раҳбари Гулбаҳор Жуманиязованинг мақсадини амалга ошириш учун Давлат тижорат "Халқ банки" Хоразм филиалига қилган мурожаати мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди ва унга 200 миллион сўм кредит ажратишга қарор қилинди. Эндиликда корхона томонидан тайёрланаётган сифатли нон ва нон маҳсулотлари аҳолига манзур бўлмоқда. Энг асосийси, корхонада ҳозирда 12 киши иш билан таъминланган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодий инқироздан ҳимояланиш, яъни мамлакатда барқарор банк тизимини яратиш борасида амалга оширилган ишлар бугун жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон банк тизимига «Мудис» агентлиги томонидан бирйўла учта йўналиш, яъни банк-молия тизимининг барқарорлиги, миллий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги ва хорижий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги йўналишлари бўйича «барқарор» рейтинг даражаси берилгани бўлди.

Қолаверса, етакчи сиёсатчилардан бири Марк Эйскенс "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида Инқирозга қарши чоралар дастури ҳақида гапириб, Ўзбекистоннинг банк тизими бошқа кўплаб мамлакатларга қараганда, жаҳон молиявий инқирози таъсиридан унчалик зарар кўрмаганини таъкидлаган. Сиёсатчининг фикрига кўра, Ўзбекистон банклари кредитларни асосланган шартларга мувофиқ ажратиши билан изоҳланиб, бу эса соф капитал билан кредитлар ўртасидаги мутаносиблик таъминланганини англатиши, мазкур омил банкларнинг бошқа давлатларда учраётгани каби асоссиз таваккалчилик таъсирига тушиб қолишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши айтилади.

Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар том маънода халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда ва даромадларини кўпайтиришда муҳим омилга айланди, десак муболаға қилмаймиз. Зотан, барча соҳа ва тизимлардаги янгиланиш ва ўзгаришлар давлатимиз раҳбарининг "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" деган эзгу ғояси асосида ҳаётга татбиқ этилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**Азамат ҚОСИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларини инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори,**
**Чоршанби ХОЛМАТОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

**Дараклар**

## ЯРАДОР КЕНГУРУ ДОРИХОНАГА КЕЛДИ



***Мельбурнда машинага урилиб, оёғидан жароҳат олган кенгуру ликиллаб аэропортнинг иккинчи қаватидаги дорихонага кириб келди. Уни текширишдан ўтказган Австралия ёввойи табиатни муҳофаза қилиш кўнгиллиларининг айтишларича, асфальтда кўп сакраб юргани боис, жониворнинг тирноқлари ҳам ейилиб кетган экан.***

— Жароҳат олган ҳайвон ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида дорихона биносига кирган бўлиши керак, — дейди аэропорт ходими. — Аммо унинг қандай қилиб дорихона айнан иккинчи қаватдалигини билиб келгани номаълумлигича қолаётир.

Кейинги пайтларда кенгуруларнинг ҳозиргидек аэропортлар ҳудудларига бемалол кириб келишлари нафақат жониворларга, қолаверса, давлатга ҳам қимматга тушмоқда. Масалан, яқинда тиббий хизмат самолёти Квинсленд штатида ерга қўнаётиб кенгуруни уриб кетган. Бунинг оқибатида кўрилган зарар 190 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Бундай ҳодиса жорий йилда учинчи марта такрорланди, дейишмоқда аэропорт ходимлари.

## «ҚОР ОДАМ» АЙИҚҚА ҚАРИНДОШ ЭКАН



***Америкалик олимлар томонидан бажарилган ДНК таҳлиллари «қор одам» ҳақидаги шу пайтгача бўлган миш-мишларга нуқта қўйди. Махлуқ жунининг ДНК таҳлили афсонавий мавжудотнинг қўнғир айиққа қондошлигини исботлади. Мабодо бу жониворни инсонга мансуб, деб ҳисобласак, шубҳасиз, вақти-соати келиб у ётиши учун кўрпа-тўшаклар қидириши турган гап эди. Ваҳоланки, эндиликда унга буларнинг мутлақо ҳожати йўқ.***

Оксфорд университети ходими Генрик Брайан Сайкс Бутан ва ғарбий Ҳимолайдан топилган номаълум турга мансуб иккита жониворнинг жунини ўрганиб чиқди. Олим томонидан ўтказилган ДНК тест натижалари бу ҳайвоннинг жуда қадимда яшаган ва қолдиқлари Шпицберген оролидан топилган қутб айиғи билан айнан ирсий ўхшашлигини кўрсатди. Бундан олти йил аввал топилган қадимги ҳайвон жағлари эса қирқ минг йил илгари қўнғир ва оқ айиқ яқин қариндош бўлганининг яна бир далилидир.

Брайан Сайкснинг тахминича, қор одам айнан юқоридаги икки турдаги айиқнинг авлоди ҳисобланади. Қолаверса, бу қайсики, Осиё тоғларида қадимги жониворлар ҳали-ҳамон яшаб юрибди, деган фикрни билдирмайди. Албатта, қадимги аждоддан фарқли равишда кейинчалик унинг чатишмаси пайдо бўлган бўлиши эҳтимол.

Таъкидлаш керакки, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида сирли махлуқ тўғрисидаги афсона ва мишмишлар асрлар давомида оғиздан-оғизга кўчиб юрган. Масалан, тоғда яшовчи бундай махлуқларни ўзимизнинг халқимиз дўлта деб атаган.

Юксак қояларни забт этишга чиққан аксарият алпинистлар ҳам у ерда маймунга ўхшаш улкан жундор махлуқларни кўрганини таъкидлашган.

## РАДИОТЎЛҚИН ЮТУВЧИ БЎЁҚ КАШФ ЭТИЛДИ



***Жанубий Корея Денгиз университети технологиялар маркази (STC) томонидан радиотўлқинларни ютувчи аэрозоль бўёқ ишлаб чиқилди. Уни кемалардан тортиб самолётларгача бўлган ҳар қандай ҳарбий техникага суртиш мумкин.***

STC директори Ким Ен Хваннинг таъкидлашича, янги бўёқ 99 фоизгача радионурланишни юта олади ва техниканинг радиолокацион пайқалишини пасайтиради.

Жанубий Кореяда ишлаб чиқилган бўёқни бошқа мамлакатлардаги мавжуд радиотўлқин ютувчи қобиқлардан фарқли равишда ҳар қандай сиртга аэрозоль усулида сепиб чиқиш мумкин. Уни техниканинг турига қараб ҳар хил кўринишларда тайёрласа бўлади. Масалан, денгиз кемаларида занглашга ва шўр сувнинг салбий таъсирига, самолётларда эса ҳароратнинг пасайишига бардошли қилиб тайёрланади.

Мазкур бўёқ Жанубий Корея радиолокацион кўрувчанликни пасайтириш бўйича ўз технологияларини ишлаб чиқиш миллий дастури доирасида кашф этилди.

К.Хваннинг сўзларига кўра, янги бўёқ Корея синовлар ва ишланмалар институтида 11 та категория бўйича сертификатлашдан ўтказилди. Яқин вақтлар ичида бир нечта денгиз кемаларини мазкур бўёқда бўяш кўзда тутилмоқда.

## МЕТЕОРИТЛАР МАРСДАН ТУШГАН



***Америкалик олимлар Curiosity марсоходи томонидан тўпланган материалларни таҳлил этиб, Марсдан тушган деб ҳисобланувчи метеоритлар ҳақиқатан ҳам Ерга Қизил сайёрадан «ташриф» буюрганлигини илмий жиҳатан тасдиқладилар.***

Бунинг исботи сифатида олимлар марсоход томонидан тадқиқ этилган намуналар ҳамда Ердаги метеоритлардаги аргон миқдори нисбатини таққослашди.

Маълум бўлишича, Марсдаги аргон-36 ва аргон-38нинг нисбати 4,2 фоизни ва Ердаги метеоритлардаги аргон нисбати 4,05 фоизни ташкил этар экан. Бу эса уларнинг деярли бир хил эканлигини кўрсатди. Тадқиқотлар келгусида Марснинг нима сабабдан ўз атмосферасидан жудо бўлганлигини ҳам билиб олишга имкон туғдиради, дейишмоқда олимлар.

**Интернет хабарлари асосида А.АЗИМОВ тайёрлади.**

# Тинчлик бор жойда тараққиёт бўлади

(Бошланиши 1-бетда.)

...Бир неча йиллардан буён муҳтарам Президентимиз Афғонистондаги мураккаб вазият ечимига алоқадор фикр-мулоҳазаларини билдириб келади. Жумладан, 2013 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсида шундай деган эди: "Ҳеч кимга сир эмас — ҳозирги кунда бизнинг ҳудудимизда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар — бу Афғонистонда ўттиз йилдан зиёд давом этаётган урушдир. Ана шу ўтган даврда бу жафокаш заминда тинч ҳаёт нима эканини билмайдиган янги бир авлод вояга етди. Уруш бошланган пайтда туғилган болалар бугун 30-35 ёшга чиқди. Бу авлоднинг изидан ҳозир яна бир янги авлод оёққа турмоқда. Улар ўз ҳаётида нимага гувоҳ бўлиши мумкин? Фақат уруш, одам ўлдириш, қон тўкиш. Бу ёшларнинг ҳаёти шундан иборат бўлиб қолмаяптими? Ўзингиз ўйланг, шу ҳам ҳаётми ўзи?"

Ҳақиқатан, жуда аянчли. Зеро, инсон қай миллат вакили бўлишидан қатъи назар, бир марта дунёга келади. Бир марталик умрни тинч-хотиржам ўтказиш, яшаш ҳаммага ҳам насиб этмоғи керак. Минг таассуфки, бундай бўлмаяпти. Бугун дунёнинг бир қатор давлатларида нотинч вазият ҳукмрон. Демакки, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК. Аслида, бу ғоя сайёрамиз одамларини ирқ, миллат, дин танламай, умумий эзгу мақсад – умумсайёра тинчлиги йўлида бирлашишга чорламоқда. Назаримизда, бутун дунё бўйлаб, ҳар бир мамлакат, ҳар бир хонадонда мана шу даъват янграб турмоғи зарур. Зеро, жаҳон халқлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва давлатлар ўртасидаги можароларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилган ва куни кеча 68 йиллиги нишонланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош биноси пештоқига ёзилган Шайх Саъдийнинг "Бутун дунёдаги барча одамлар бир тану бир жондир. Тананинг қай бир ерида оғриқ бўлса, бутун тана оғрийди", деган сўзлари ҳамон долзарблигини йўқотмаган. Чиндан ҳам, дунёнинг қай бир жойида нотинчлик бўлса, бу бутун башариятга ўз таъсирини кўрсатади. Бундан жуда кўпчилик азият чекади. Шу сабаб БМТ фаолиятининг энг асосий йўналиши сифатида халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, дунё халқлари ўртасида яқин дўстона ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалаларининг ўрин эгаллаши Шайх Саъдий ҳикматларига эш, монанддир.

Президентимиз 2001 йил нашр этилган "Тинчлик учун курашмоқ керак" деб номланган рисоласида барча ватандошларимизга қуйидагича мурожаат қилади. "...бугун ҳар биримиз "Тинчлик-осойишталикни, шу мусаффо осмонни асраш учун шахсан мен нима қилаяпман, бу йўлда ўз ҳузур-ҳаловатимдан воз кечишга тайёрманми?" деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтаи-назардан баҳолашимиз зарур".

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида "Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз. Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган "бизга тинчлик ва омонлик керак", деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳамамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим", дея таъкидлади. Бу ўз ўрнида ва ҳаққоний айтилган мулоҳазалардир. Чунки ҳар бир кўпмиллатли мамлакат ўз ичида мавжуд турли ички низолар, этник бўлинишларга чек қўйиб, фуқаролари ўртасида ўзаро тенглик муносабатини ўрнатмас экан, миллатлараро тинчлик ва тотувликка эришишнинг имкони бўлмайди.

Инсоният ҳар қадамда депсиниш ва муаммоларга дуч келаётган мураккаб замонда БМТ ҳамда бошқа нуфузли ташкилотлар минбарларидан туриб Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилаётган тинчликпарвар ташаббуслар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари 1993 йилдаёқ БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси ва 2000 йилда бўлиб ўтган БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитида дунё ҳамжамияти эътиборини Афғонистон муаммосига қаратган эди. Бундан ташқари, бир неча йил илгари Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича тинчликпарвар ташаббуслари Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Истанбул саммитида кўтарилганди. Ёинки, Марказий Осиёда тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги ташаббусларни эсга олинг. Бугунга келиб, ушбу ташаббуслар бежиз илгари сурилмагани яққол намоён бўлмоқда.

Жорий йилнинг 24-25 октябрь кунлари Минск шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида давлатимиз раҳбари минтақа хавфсизлиги борасида фикр билдирар экан Афғонистондаги вазиятга яна бир бор жамоатчилик эътиборини қаратиб, бу муаммонинг ҳарбий ечими йўқ эканини, қуролли можарога муроса ва музокаралар билан барҳам бериш мақсадга мувофиқ эканини алоҳида таъкидладилар.

Йўл бўйи шундай ўйларга берилиб, бепоён Мирзачўлнинг қоқ марказида жойлашган, гўзал гулзорларга бурканган Гулистон шаҳрига етиб келганимизни сезмай қолибмиз. Ташқарига қарайман: магистрал четида кўплаб маданий-маиший бинолар, спорт иншоотлари, тамоман янгитдан барпо этилган мактаб, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, ишлаб чиқариш корхоналари... Санаб адоғига етолмайди киши. Ҳаваслaниб, тўлқинланиб, яшнаб бораверасиз. Жаҳоннинг манаман деган давлатлари молиявий-иқтисодий инқироз ботқоғига ботиб турган палла ЎЗБЕКИСТОН иқтисодиётининг барқарор ривожи, юртимиздаги ОБОДЛИК ва БУНЁДКОРЛИК кўпларнинг ақлини шошириб қўймоқда. Яратганга шукур...

Соат миллари $23^{30}$ ни кўрсатиб турса-да, ҳаммаёқ кундузгидай ёп-ёруғ. Шундоғам кенг кўчалар чироқ нуридан янада кенгайгандек. Тун бўлишига қарамай гавжум. Йўл бўйидаги ошхоналардан турли-туман таомларнинг иштаҳаочар иси димоққа уриляпти. Узоқ-узоқлардан келаётган йўловчилар хотиржам тамадди қилишмоқда. Шу зайл йўл юриб, ҳайратланиб Жиззах, қадим Самарқанддан ўтиб Қашқадарёга — Сурхондарё вилояти билан чегарадош тоғли Деҳқонобод туманига етдик. Машинамиз билан ёнма-ён, баланд тоғларни ёқалаб пишқириб бораётган поезд ҳам манзилга ошиқмоқда. Нақ аср мўъжизасининг ўзи-я, бу Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли. Унинг қурилиши ва тоғли Деҳқонободнинг қоқ белидан кесиб ўтиши миллионлаб ватандошларимиз оғирини енгил қилгани айни ҳақиқат. 22 йил олдин афсона туюлган, ақлга сиғмаган ҳодиса реал воқеликка айланиб турибди, тағин барчамизнинг кўз ўнгимизда. Қадим Деҳқонобод қир-адирларида бир-бири билан ҳусн талашаётган темир йўл станциялари кўзни қувонтиради. Мустақиллигимиз шарофати, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барпо этилган бу йўл, айниқса, тоғлар бағрини ёриб, 223 километр масофага пўлат изларнинг ётқизилиши мисли кўрилмаган ютуқларимиздан бири бўлди.

Хуллас, тонготар маҳал Алпомишлар юрти — қадим Сурхон элига етиб келдик. Не-не суронларга гувоҳ кўҳна Жайҳуннинг шундоққина бўйида Ҳаким ат-Термизий бобомиз зиёратгоҳида бўлиб, Яратганга кўраётган кунларимиз учун шукроналар айтдик. Гулзорга бурканган қутлуғ масканда руҳиятимиз янада енгиллашди. Буюк аждодларга кўрсатилган эҳтиромдан ҳаяжонга тушдик. Эҳтимол, Яратганга севимли алломаю фузалоларни етиштиргани, уларнинг хокини эъзозлаб, қадрлаётгани учун ҳам халқимиз шундай рўшнолик кўраётгандир, ризқига файзу барака ёғилаётгандир... Жайҳуннинг у ёғида қандай аҳволу, бу томонида қандай манзара. Яратганга яна бир бор шукур...

Мустақиллик йилларида халқимиз фахрига айланган улуғ алломаларга эътибор тубдан ўзгарди. Уларнинг кўплаб бетакрор асарлари жамлаб нашр этилмоқда. Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида **"...ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади"** деб ёзган эди. Қадим Хоразм заминида пайдо бўлган ва башариятга "Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал" ғоясини ёйган "Авесто" ёдгорлигининг замон тўфонларига бардош бериб бизгача етиб келганлиги, истиқлол йилларида унинг шарафига бунёд этилган гўзал "Авесто" мажмуаси миллионлаб ватандошларимизни мана шундай улуғ ғояларга даъват этиб турибди. Мардлик ва ҳалоллик, жасурлик ва юртга садоқатни тарғиб қилувчи, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси ҳисобланган "Алпомиш" достони яратилганининг 1000 йиллиги муносабати билан Сурхондарёда салобатли "Алпомиш" ёдгорлигининг бунёд этилганлиги, юртимизда қад ростлаган Соҳибқирон Амир Темур, шеърият мулкининг султони Ҳазрат Мир Алишер Навоий, бeқиёс илми билан башарият аҳлини лол этган буюк олимларимиз Аҳмад Ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек боболаримизнинг виқорли ҳайкаллари маънавиятимизнинг салобати бўлиб кўринади. Аҳамиятлиси, ёшларимизни буюк боболаримизга муносиб авлод бўлишига ундаб туради. Уларнинг маънавий юксалишига катта таъсир кўрсатади.

Жамиятда демократик тамойилларни таркиб топтириш, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш, юрт осойишталиги-ю, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишларни ёзиб адо қилиш қийин. Кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида иқтисодий ўсиш, маънавий юксалиш, интеллектуал юқорилаш, энг муҳими, халқнинг турмуш тарзида ижобий ўзгариш кузатилмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотлар пировардида ана шу улкан мақсадга хизмат қилаяпти.

Дунёда айрим тоифа инсонлар борки, бизнинг муваффақиятларимиз ҳаммани ҳам бирдек қувонтираётгани йўқ. Камолимизга ғайирлик билан қараётганлар қанча. Шунинг учун ҳам юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталиги, ҳудудий яхлитлигимиз ва чегараларимиз дахлсизлиги давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Буюк ва муқаддас, мустақил ВАТАНимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин.

**Арслон ЭШМУРОДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

**Фикрат**

# Қадрингизни ерга урманг

**Халқимизнинг асрий анъаналаридан бири бўлмиш никоҳ тўйлари донишмандона удумлар билан ўтади. Карнай садолари янграб, келин «ёр-ёр»лар садоси остида хонадонингизга илк қадамини босган пайт ўзингизни қўярга жой топа олмайсиз. Ўзбакий тўн кийиб, белини маҳкам боғлаган, бошидаги дўпписи ўзига ярашган куёв ёрини уловдан то сеп ёйилган уй тўридаги чимилдиққача кўтариб олиб киради...**



Бу удумнинг ўз донишмағзи бор. Йигитнинг бу чапанилиги «эй, кўнглимнинг эркаси, сен уйимнинг бекаси бўлиб келдинг. Биринчи ташрифингни қутлуғлаб, ўзим кўтариб олай, қадринг баландлиги эл олдида намоён бўлсин. Сени безатилган уйга мен олиб кирай, токи янги ҳаётингдаги тўкинлик ва бекамликни таъминлашимни билдирай. Чимилдиқ сени ғайри кўзлардан, аёлликка номуносибликлардан пана қилсин, сени асрай», дегани бўлади гўё.

Аслида ҳам шундай. Бели боғлиқ Алпомишдай йўлдош билан аёл ҳаётида иложсиз лаҳзалар бўлмаслиги рост. Унинг тик қадди, мағрур нигоҳи, мард ва фидойилигидан паноҳидаги аёл муаммолари ечим топмай қолмайди. Муқаддас никоҳ ўқилаётганда куёвнинг «қабул қилдим», деган сўзи қизни тан маҳрамликкагина эмас, шу жуфти ҳалолнинг емоқ-киймоғи, орзу истакларига етмоғи йўлидаги барча эҳтиёжларини ўз зиммасига қабул қилишининг, масъулият ва бурчни англашининг кафолати.

— ...Қаерга отландингиз, қўшни?

— Яқинда узатган қизимникига кетяпман. Ҳозиргина куёвим қўнғироқ қилиб, қизимнинг бетоб бўлиб қолганини айтди. Ўтган гал келганида ранги синиқиб, ҳолсизланганини ўзим ҳам сезгандим-а, сўрасам, «қоним кам, энгашсам бошим айланяпти, уй юмушларига улгуролмай, қайнонамдан дакки эшитаяпман», деган эди. Борай-чи, рухсат беришса, касалхонага ётқизиб даволатамиз.

— Э-э, ҳа, яқинда биз ҳам қизимиз оғриб қолганида даволатиб олиб бориб қўйдик. Яхшиям дадасининг таниш дўхтири бор эди. Ўн беш кунда соғайтириб олдик. Ҳозир яхши. Қайнонасининг айтишича, чопқиллаб хизматларни қилиб юрибди экан. Бора қолинг, пулингиз кетса кетар, қўшни, иложини топиб ўзингизга яқин шифохонага ётқизинг, қатнаб қийналмайсиз...

Суҳбатдан ҳайрон бўлмадингиз, деб умид қиламиз. Эҳтимол, сиз ҳам қачондир аёлларнинг шундай суҳбатини эшитгандирсиз. Ёки ўзингиз... «Севгинатор» фильмидаги робот келин ёдингиздадир. Фильмда қайнонанинг роботга қарата «сен одам эмассан, келинсан, келин», деган тушунтириши хаёлдан кўтарилмаганми?!

Қиз узатганингиз ёдингизга тушдими? Келинлик уйини мебелу сеп-сидирғалар билан тўлдириб, тўйдан кейинги турфа маросимларда «элнинг удуми, ярашиғи», деб телевизордан музлаткичгача олиб боргангингиз бордир. Йил ўтгунча жами байрам-ҳайитларда йўқлов жўнатаман деб куёв-келинга «ярашиқ» нарса хариди учун бозор кезганингиз рост. Улар фарзанд кўрганида чақалоқнинг ҳамма харажатини бировга индамай зиммангизга олиб, бешикдан то манеж, велосипед, фалон пуллик аравачагача жўнатасиз. Қолаверса, сиз ҳам неварангизми, қизингизми оғриганида шифохонага қатнаб, дори-дармон олгандирсиз. Бундай ҳолатга элнинг удуми деб эмас, қуда тарафнинг таъналаридан холи бўлай, қизим тинч бўлсин, деб югуриб-елганингиз ҳам бор гап.

Тўғри, ота-она болам дейди. Бетобланса куйинади, бирон янги кийим урф бўлса, соғиниб илинади. Аммо «қизингиз бетоб», деб сизга юкуниб телефон қилган куёвни қандай тушуниш мумкин? Тўйдан кейин ўн кунгача уч маҳал йўқлов еб, қирқ кунгача келин томон жўнатган маъзар билан мақтаниб, қўни-қўшнисига насиба чиқарган қайнонани-чи? Булар тўн кийиб, белбоғ боғлаган куёв йигит «ярашиғи»ю, хотини бемор бўлса даволатиш, куйиниш, уй хизматида кийган шиппаги эскирса янгилаб бериш, аёлини аяш, сийлаш «йигит ярашиғи» эмасми?

Ҳўш, келиннинг «ярашиғи» нима? Фақат хизматми? Буниям одатга йўямизми ёки удумга? Хонадонда қурилиш бошланса, келинларнинг темир аравада шағал ташиши-ю, томорқада боласини ёнига олиб ер чопишига кўникиб қолмаяпмизми?

Ҳазрат Навоийнинг минглаб шеърий сатрлари аёл назокати, аёл латофати ҳақида. Ошиқ йигитнинг ёр остонасига бош қўйиб, висол тилаши ҳақида. Соҳибқирон Амир Темурнинг хотини Сароймулкхоним шарафига шоҳона мадраса қурдиргани ҳақида ҳам ўқиганмиз, биламиз. Амир Умархон маликаи даврони Нодирабегимни қандай иззатлаганидан ҳам бехабар эмасмиз. Сароймулкхоним, Нодирабегим каби момоларимизга кўрсатилган иззат ва эъзозни биз қачон йўқотиб улгурдик?

Тўғри, иззат-икром кўриш, эъзоз топиш учун киши ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Бунинг учун келин бўлмиш оила психологияси фанида айтилганидек, олти етукликка эга бўлиши шарт. Булар: жисмоний, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва психологик расоликлардир. Жисмоний ва ҳуқуқий етуклик — бу қизларимизнинг жисмонан соғломлиги ва турмушга чиқиш ёшига етганлиги билан белгиланади. Навбатдагиси — иқтисодий етуклик қизларимиз учун энг заруридек гўё. Рўзғорнинг баланд-пасти, каму кўстини чидам билан енгиш, яъни моддий муаммолар олдида янаям фикрчанроқ, тежамкорроқ, чевар ва пазандаликда моҳирроқ бўлишдан иборат. Айтайлик, кўп масалликдан ҳафсаласизлик билан бемаза овқат қилгандан кўра, камчил масалликдан моҳирлик билан тотимли ширин овқат тайёрлаш қадрлироқ, албатта. Ёки ҳадеганда кийим сотиб олиш ҳақида эмас, балки шароит тақозоси билан эскидан янги ярата билиш, анчамунча йиртиқ-ямоқни яшира олувчи қўшимча чокларни моҳирлик билан тика билиш ҳам санъат, етуклик дейилади. Ёки кийиб турганингиз либосни тоза ювиб, яхши қоқиб ёйиш, маромида дазмоллаш ҳам либос умрини узайтиришини ҳар қандай қиз келин бўлгунича билиши керак. Бу энди рўзғор иқтисодиётини зиммасига олган эркакка ақл, фикр ва маҳорат билан ёрдам бериш демакдир. Ижтимоий етуклик эса инсоннинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топиши, бирор касб-ҳунарга эгалиги билан таъриф топади. Негаки, жамоа кўрган, касб-ҳунарли келин янги оиладагилар билан ҳам осон тил топиша олади-да.

Маънавий етуклик-чи?! Бу энди ҳар соҳада ахлоқ, одоб, билим ва маълум бир салоҳиятга эгалик кўринишидир. Бундай маънавияти етук келин одамлар кўнглига йўл топа билишда, муросаи мадорани ўрнига қўйишда маслаҳатга муҳтож бўлмайди. Психологик етуклик — бу рўзғорда пайдо бўладиган ҳар қандай кулфату кўргиликнинг сабабини таҳлил қилиш, хатони энг аввал ўзидан қидириш, ечим учун ҳаракатни ўзидан бошлаш оқилалигидир.

Ўзингиз айтинг, бундай билимдон, етук ва тадбиркор келинни қайси қайнона, қайси эр иззат қилмайди? Ахир ҳар қандай инсон бировнинг яхши фазилатига иллат билан жавоб беришга андиша қилади.

Ҳўш, унда муаммо нимада? Маълумки, ҳар бир инсон — бир олам. Бир-бирига ўхшамайди. Оилалардаги тутум, қайнона-келин ёки эр-хотин ўртасида гоҳ-гоҳида юзага келаётган юқоридаги каби ҳолатлар ҳам шундай: бир-бирига ўхшамайди.

Муаммолардан бири, бизнингча, айрим ота-оналар қизларининг мана шу етукликларга етишини кутмай, шошилиб турмушга узатиб юбораётганида. Яна бири эса, қизларнинг ғарбга тақлидан кийиниб, «севиб», йигитдан аввал ошиқлик изҳорини айтиб, тўйгача висол истаб, қадрини исроф қилаётганида эмасми? Баъзи куёвлар, қайноналар келиндаги етукликни «сезмаётгани» ҳам бор гап (бунинг учун аввало ўзи етук бўлиши керак-да).

Баъзи қизларнинг ўзи бунга эришолмаётгани ҳам рост. Ахир ўзлигини англаган, аёл зукколигига етишган, маънавиятли келиннинг иззату эъзозга лойиқ бўлиши айни ҳақиқат.

Ҳар ҳолда, буларнинг ҳаммаси умумлашиб, оилада келиннинг қадри тушишига сабаб бўлмоқдаки, бу катта йўқотиш ва ютқазишдир. Йигит кишининг қайнонага телефон қилиб, «қизингиз касал бўлиб қолди. Олиб кетиб, даволатинглар...» дейишини оилавий ришталарнинг қай бир мантиғи изоҳлаб беради?!

**Замира РЎЗИЕВА**

**Билмаганни билган яхши**

***Фарзандликка олишни авваллари маҳаллий давлат ҳокимияти кўриб чиқар эди. Эндиликда бу масала фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан ҳал қилинар экан. Айтинг-чи, бунинг сабаби нимада?***

**Хайриниса Жўраева**
Янгийўл тумани

Дарҳақиқат, аввалги қонунчиликка мувофиқ фарзандликка олиш билан боғлиқ ишлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилган бўлса, эндиликда мазкур масала судлар томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Бунинг сабабларидан бири фарзандликка олиш масаласи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳал этилганда, айрим туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари судлар томонидан ҳақиқий эмас деб топилган ёки бекор қилинган ҳолатлар учради. Бундан ташқари, амалиётда фарзандликка олиш ҳақидаги қарорни тайёрлаш жараёнида фарзандликка олиш сири бузилганлиги ҳолатлари ҳам кузатилди. Бу каби омиллар ушбу институтни такомиллаштириш лозимлигини тақозо этди.

Жорий йилнинг 30 апрелида *"Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"*ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан Фуқаролик процессуал кодекси ва Оила кодексига фарзандликка олиш билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Фуқаролик-процессуал кодекси алоҳида 311-боб ("Фарзандликка олиш") билан тўлдирилди. Унга кўра, суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар тоифасига болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар ҳам киритилди.

Фарзандликка олиш бўйича судларга қўшимча ваколатлар берилиши болалар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, фарзандликка олиш институтининг такомиллаштирилиши болаларнинг соғлом оила муҳитида вояга етишига, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилади.

**Ҳури ИКРОМОВА,**
**Юқори Чирчиқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

***Айрим сабабларга кўра никоҳимиз, фарзандларимизнинг туғилганлик тўғрисидаги ва бошқа гувоҳномаларга шикаст етказиб қўйдик. Айтинг-чи, бундай ҳолларда такрорий гувоҳнома олишимиз мумкинми?***

**Зикриллаевлар оиласи**
Тошкент вилояти

Ҳужжатлар шикастланган ва яроқсиз ҳолга келган бўлса, бу муаммони ҳал этиш учун яшаш жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига мурожаат қилишингиз керак бўлади.

Далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси сақланаётган ФҲДЁ бўлими манфаатдор шахсларнинг аризаларига кўра ва тегишли далолатнома ёзувлари асосида такрорий гувоҳнома беради. Туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуви қайд этилган тегишли шахснинг ўзига, унинг ота-онасига ёки давлат нотариал идорасида қонуний тасдиқланган ишончномалар асосида бошқа шахсларга, ўлим ҳақидаги такрорий гувоҳномалар эса марҳумнинг яқин қариндошлари ва меросхўрларига, шунингдек, нотариус томонидан тасдиқланган ишончномага эга бўлган қонуний вакилларга берилади. Никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги такрорий гувоҳномани фақат никоҳланган шахсларнинг ўзлари олишга ҳақлидирлар.

Такрорий гувоҳнома олиш тўғрисидаги аризада гувоҳнома қандай сабабга кўра талаб қилинаётганлиги кўрсатилиши керак. Такрорий гувоҳнома фуқаро мурожаат этган куниёқ берилади.

Агар такрорий гувоҳнома сўраб мурожаат этилган ФҲДЁ бўлимида тегишли далолатнома ёзуви йўқ бўлса, ФҲДЁ бўлими аризани ва далолатнома ёзуви йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани шаҳар, вилоят ёки республика ФҲДЁ архивига тегишли текширув ўтказиш ҳамда такрорий гувоҳнома бериш учун юборади.

Такрорий гувоҳнома олишда ариза берувчи шахсини тасдиқловчи хужжат кўрсатиши шарт.

**Дилнавоз БЕГМАТОВА**
**Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири,**
**Лола МУЛЛАЖОНОВА**
**Юқори Чирчиқ тумани ФҲДЁ бўлими инспектори**

## Жаҳон адиблари ҳаётидан



Жаҳон адабиёти тарихида беназир адиблар кўп. Ана шундай зотлардан бири Эрнест Миллер Хемингуэйдир. «Алвидо қурол», «Қуёш доим чиқаверади» романлари ва бир қатор бетакрор ҳикоялари билан ўзбек китобхонига яхши таниш бўлган ёзувчининг адабиёт, жамият ва ижтимоий ҳаёт борасидаги нуқтаи назарлари одамларни ҳамиша қизиқтириб келади. Шу маънода гарчи орадан кўп йиллар ўтса-да, Францияда нашр этилган журналда чоп этилган ёзувчи билан мулоқот алоҳида аҳамиятга молик. Қуйида ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

# ЁЗУВЧИ БАСТАКОРЛАРГА ҲАМ ЎРГАТИШИ КЕРАК

*— Ўзингизда кечадиган ижодий жараёнлар хусусида гапириб берсангиз? Масалан, қайси пайтда ёзишга киришасиз? Кун тартибига қатъий амал қиласизми?*

— Агар бирор ҳикоя ёки асар хаёлимга келса, уни жуда барвақт — тонготарда ёзишни бошлайман. Имкон борича шундай йўл тутаман. Чунки бу пайтда мени ҳеч ким безовта қилмайди. Энг асосийси, ҳаво мусаффо ва салқин бўлади. Негадир ёзаётганимда қизиб кетавераман. Ҳар доим ёзиб тугатганимдан сўнг қайта ўқиб чиқаман. Ана шунда асарни қандай давом эттириш ё эттирмаслик борасида бир тўхтамга келаман. Эртасига ўша асарни келган жойидан давом эттиравераман. Одатда кучим етишига ишонсамгина қўлимга қалам оламан. Масалан, мен олти кун кетма-кет саҳарда ёзишни бошладим дейлик. Лекин қувватим тушликкача, балки ундан бироз озроққа етиши мумкин. Муаллиф ёзишни бошлаганида у ўзининг нақадар қашшоқ эканини фаҳмлайди. Худди қадрдон кишингга севгингни изҳор этолмаганингдек. Чинакам адиб ёзишни бошлаганида унга ҳеч нима халақит беролмайди. У эртанги кунини унутади. Энг қийини эса — у эртагача руҳиятдан чиқиб кетмаслик.

*— Бугун ёзганларингизни қайта ўқиётиб, хатоларни тузатиб кетаверасизми? Ёки асар тўлиқ битганидан сўнггина уни тузатасизми?*

— Ҳар куни пешма-пеш камчиликларини тўғрилаб бораман. Албатта, асар ёзиб бўлинганидан кейин ҳам яна бир бор диққат билан ўқийман. Яна бир яхши томони, матнни машинкада териш асносида ҳам унга ўзгартириш киритиш учун имконият бор. Агар у териб бўлинган бўлса, демак, асар тайёр. Шунинг учун ўзгартиришлар киритиш учун охирги имконият бу — қоралама. Ёзувчига асарини тузатиши учун шунча имконият борлигидан хурсандман.

*— Асарларингизда кўп тузатишлар киритишга тўғри келганми?*

— Бу кўпинча ижодкорнинг ҳолати билан боғлиқ. Масалан, «Алвидо, қурол» романини ўттиз тўққиз марта қайта ёзганман. Шундан кейингина кўнглим хотиржам бўлган.

*— Ёзувчи бўлишингизда қандайдир ҳолат таъсир кўрсатганми?*

— Йўқ, мен доим ёзувчи бўлишни хоҳлаганман.

*— Энди ёзишни бошлаган ижодкорларга қандай маслаҳат берасиз?*

— Биринчидан, у ўзини дорга осиб кўриши керак. Шундагина у яхши ёзиш мумкин эмаслигини англаб етади. Кейин у ўзи осилиб турган арқонни кесиши, қолган умри ва кучини яхши ёзишга сарфлаши шарт. Зеро, шунда ҳеч бўлмаганда ўзини осиши тарихи бўлади-ку.

*— Ёшларга газетада ишлашни ҳам тавсия этасизми? Матбуот нашрида орттирган маҳоратингиз сизга қанчалик фойда берган?*

— Газета бизга шунчаки дарак гап тузишни, оддий ёзишни ўргатди. Бу, албатта, ҳамма учун фойдали. Бошловчи ёзувчилар учун газетада ишлашнинг ҳеч қандай зиёни йўқ, унга қўли келишишида ёрдам беради. Агар бунга у вақт топа олса. Газетада ишлаб билдимки, сиз эски ва сийқаси чиққан савол билан мурожаат қилсангиз, эски ва сийқаси чиққан жавоб оласиз.

*— Жаҳон адабиёти вакиллари хусусида гапирганда кимларга алоҳида тўхталиб ўтасиз?*

— Марк Твен, Флобер, Стендаль, Бах, Тургенев, Толстой, Достоевский, Чехов, Эндрю Марвелл, Жон Донн, Мопассан, Торо, Фредерик Морриет, Шекспир, Моцарт, Кеведо, Данте, Вергилий, Тинторетто, Босх, Брейгель, Патинье, Гойя, Джотто, Сезанн, Ван Гог, Гоген, Сан Хуан де ла Круус, Гонгора... Уларнинг ҳаммасини бошдан оёқ санашга бир кун вақтим кетади. Бу билан мен мақтанмоқчи эмасман. Мен улардан кўп нарса ўрганганман. Уларнинг рўйхатига бир нечта рассомларни ҳам қўшмоқчиман. Чунки улардан ҳам ёзувчилардан олганимдан кам сабоқ олганим йўқ. Нима учун бундай деб ўйлаётгандирсиз, балки? Афсуски, буни тушунтириш учун ҳам бир кун керак. Иккинчи томондан ҳаммаси равшан, ёзувчи, керак бўлса, композиторга гармон чалишни ўргата билиши керак.

*— Кимдир айтганди, ёзувчининг бутун бир ижодини бир ёки иккита ғоя билан изоҳлаш мумкин. Сиз-чи? Бир ғоя билан ишлайсизми ё икки?*

— Буни сизга ким айтди? Нодонларча эшитилар экан. Фикримча, сизга бу гапни айтган одамнинг ўзида атиги бир ёки иккита ғоя бор.

*— Тушунарли, саволни бошқача қўямиз. Грэм Грин бир интервьюсида ҳис-туйғулардан иборат романларни битта тизимдалигини исботлаб берганди. Адашмасам, сизнинг ўзингиз ҳам катта адабиёт ҳиссиётларнинг адолатсизлигидан бошланади дегандингиз. Демак, адиб енгилмас туйғулар таъсирида бўлиши керак, деб ҳисоблайсиз?*

— Жаноб Гриннинг ҳукм юргизишга лаёқати бор. Мен ҳеч нарсага бекордан бекорга эга бўлмайман. Мен бир қатор романлар ҳақида бирдай хулоса чиқара олмайман. Бунга уриниб ҳам кўрмайман. Ёзувчи учун ҳаққоний ёки ноҳаққоний туйғулар бўлмайди. Ёзувчи учун энг асосийларидан бири — шу. Буни адибларнинг маёғига менгзаш мумкин. Бунга аксарият буюк ёзувчилар амал қилганлар.

*— Бадиий асарлар муаллифи сифатида ўзингиз яратган санъат асарларини вазифасини айта оласизми? Воқеаларнинг аксини ёзасизми ёки сабабларини?*

— Бу сизни нега ўйлантираяпти? Ҳамма-ҳаммасини, айтайлик, нима бўлиб ўтган, бўлиб ўтади, буни ҳеч ким билмайди. Ёзувчи воқеаларнинг кўзгуси эмас. У ҳозирги замон ва уни ўраб турган борлиқ билан яшайди. У ҳаётини асарларига алмашади. Агар у бундай мақомга эришолган бўлса, демак номини абадиятга муҳрлагани шу.

**Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.**

## Хотира — азиз

# Ёдим дунёсида



Ўшанда 1977 йил эди. Устоз Рауф Парфи иккимиз талабалар шаҳарчасига учрашувга бораётган эдик. Қаршимиздан жилмайганча Тилак Жўра пешвоз чиқиб келди. У минг йиллар кўришмаган одамдек, Рауф ака билан қуюқ сўрашди. Кейин менга юзланиб, эски қадрдондек, «йўл бўлсин сизларга» деди. Мен жавоб беришга улгурмай, Рауф ака:

— Тилак, юринг филфак талабалари билан учрашувга борамиз, — дея уни бошлади. Тилак ака ҳаяжонланиб, «шеър ўқишга бўлса, кетдик», деб кўзлари ўтдек чақнади. Ҳа, серҳаяжон, юз- кўзларидан нур ёғилиб турадиган Тилак Жўра билан ўшанда илк бор кўришган эдим.

Албатта, унгача шоир, мунаққид Тилак Жўрани устозлари — таниқли адабиётшунослар Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комиловлар ҳамкорлигида газета, журналларда чоп этилаётган тақризлари, таржимачиликка оид мақолалари орқали яхши билар эдим.

Тилак Жўра ижодининг илк давриданоқ шеъриятда эркин — сарбаст вазнида ижод қилаётган шоирлар қаторида турарди. Шунданми, ёки мен турк ва бошқа хориж халқлар шеъриятини яхши билмаганимданми, Рауф Парфи билан Тилак Жўранинг шеърлари мен учун жозибали, сеҳрли бўлиб туюларди.

Шу-шу Тилак ака билан ҳозирги миллий университет даргоҳида, нашриёт, таҳририятларда тез-тез кўришиб турадиган бўлдик. У доим танишлари истиқболига юзида табассум, кўзларидан нур ёғилиб жилмайиб келарди. Шоир гарчи зоҳиран беғам, изтиробсиз кўринса-да, бироқ юрагида катта дарди бор эди. Буни кўнглидан тўкилаётган сатрлардан билса, англаса бўлади:

*Дарёдек мавжланиб кечади умрим:*
*Балки, қайғи, тўлқини билан.*
*Саҳродай ташналаб кечади умрим:*
*Бўрони, армони, чақини билан.*
*Мен кечиб ўтарман оқин дунёни,*
*Дарёдек ранго-ранг ҳисларим билан.*

Ушбу кичик шеърдаги ҳолат манзаралар орқали образлар ила катта дардни бошидан кечираётган қаҳрамон ҳолати очилган. Тилак Жўра шеърияти образлар, тимсоллар, рангин метафораларга бой. У шеъриятда эркин фикрлар, сарбаст вазнида ёзар эди.

Гарчи шоир шеърияти рангдор бўлса-да, жуда тушунарли, кўнглидек содда эди. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари мухлислар томонидан ҳамон катта қизиқиш билан мутолаа қилинмоқда.

1993-94 йилларда Тилак аканинг юрак хасталиги анча кучайиб кетди. Шифохонадан чиққач, кам бўлса-да давраларда кўриниб, бугунги адабиёт — шеърият ҳақида суҳбатларга қизғин аралашиб юрар эди. Бир куни дуч келганимизда Хўжакентдаги дала ҳовлиси атрофига терак кўчатлари экишини айтди. «Ана шу тераклар катта бўлса, соясида шеърлар ўқиймиз», деб ният қилган эди. Орзулари, ниятлари ёруғ шоирнинг бугун тераклардай саф тортган сатрларини ўқир эканман, ёдим дунёсида унинг-ла бирга эканимизга яна бир карра иқрор бўламан.

**Турсун АЛИ**

## Адабий суҳбат

# Шеърни шоир эмас, қалб ёзади

Мамлакатимиз адабиётида Қорақалпоғистон халқ шоираси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Набийра Тўрешеванинг ўз ўрни бор. Унинг "Ёшлигим менинг", "Эдил созлари", "Савр шамоли", "Паризод" каби ўнлаб шеърий тўпламлари, "Қўрғон", "Олишув", "Туткун", "Етим қиз", "Ёлғончи" номли поэмалари, шунингдек, "Оналик ҳақида" қиссалари, "Гулзода" драмаси мухлисларга яхши таниш.

Айни пайтда шоира "Амударё" адабий журнали бош муҳаррири ўринбосари вазифасида хизмат қилмоқда.



**— Адабий жамоатчилик, шоирларимиз ҳамиша шеъриятта ўз қарашлари нуқтаи назаридан таъриф беришган. Набийра опа, айтинг-чи, шеър бу сизнингча нима?**

— Шеър — бу юрак ҳайқириғи. Менимча, ҳеч бир истеъдодли шоир «мен бугун шеър ёзаман» деб қўлига қалам олмайди. Фақат ҳис-ҳаяжонлар, дарду ҳасратлари қалбига сиғмай қолгандагина бу ҳолат юз беради. Оёқларингиз ердан узилади. Руҳингиз осмон билан туташади, онгингизда ... Тангри томонидан кўнглингизга солинган ўй-фикрлар салтанат қуриб сизни ўз ихтиёрига олади, тилингизга сўзлар шодаси шеър бўлиб қуйилаверади. Қаламингиздан оқ қоғозга туркум-туркум бўлиб шаффоф дурлар тўкилади.

Бундай онларда мен ўзимдан ташқарида яшайман. Тун яримдан оққан бўлса-да, ўзимни кундузгидек тетик, ғайратли сезаман. Фикрларим ҳам тиниқлашиб бораверади.

Шу боис ҳам шеър, шоирлик Илоҳиёт иши деган ўйдаман.

**— Сизни руҳлантирадиган, ижодингизда етакчилик қиладиган мавзуларни англагимиз келади.**

— Умр — чексиз уммон. Ҳар бир инсон унинг тўлқинлари кафтида сузиб манзилига етишга ошиққан йўловчи. Ҳар кимнинг ўз бекати бор. Ўша оралиқда одам умр денгизи тўлқинларида ўз кемасини чўктирмай эсон-омон манзилига етишга ошиқади. Бироқ маълумки, йўлнинг ўз азоби, изтироби бор.

Бундай синовларни шоирлар ҳам бошидан кечиради. Улар оқ кўнгил, дунёни гўзал рангларда кўра оладиган, ёмонликни ўзларига юқтирмайдиган, ишонувчан одамлардир.

Шоир баъзан дафъатан риёкорликка дуч келганида — ишонган одами алдаганида, гўзал дунёнинг бир тарафидаги қоронғуликни, ёмонликни кўрганида бошқаларга қараганда икки-уч марта ортиқроқ азоб чекади.

Бу дард-ҳасратларни қалбида кечаётган ўй-фикрларда аралаштириб оқни-оққа, қорани қорасига ажратади. Фикрлар пишиб етилган куни унинг юрагидан отилган вулқон шоирнинг қўлига қалам олишга мажбур этади. Менинг шеърларим ҳам ҳаёт ташвишлари, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш, адолат ва ёлғоннинг ҳосиласидир.

Мен ҳозиргача ўнлаб китоб чиқариб, бир қанча достон ва поэмаларни ўқувчиларга ҳавола этган бўлсам-да, ўзимча ҳеч нарса қилмагандекман. Имконим даражасидаги ишларни қила олганим йўқ. Худойим умр, имкон берса халқим суядиган асарлар яратиш ниятидаман.

**— Ёш ижодкорларга тилакларингиз?**

— Ёшларимизга айтмоқчи бўлган фикрлар талайгина. Аввало, қалбларингизга қулоқ солинг. Буткул тани жонингизда, руҳиятингизда шеъриятнинг бас бермайдиган қанотли асов тулпори тепсиниб турмас экан ўзингизни қийнаманг, аксинча, кўп ўқинг. Шунчаки эмас, шоирларимизнинг шеър услуби, юрагининг уришини, парвозини, мақсадларини керакли даражада ўрганиб ўқинг. Ёзган асарларингизни дарҳол сиёҳи қуримай таҳририятларга олиб югурмай, қайта-қайта кўриб, унинг устидан жиддий ишлашни ўрганинг. Бизнинг таниқли шоир ҳам драматургимиз (жойи жаннатда бўлсин) Кенесбой Раҳмонов бир сўзида "ўзининг ёзган асарларини ўзи қайта ишлаб тузата олмайдиган шоирдан худо сақласин", дер эди.

Ўзларингиз ёзган асарларни ўзларингиз қайта ишлаб, тузатишни ўрганинг. Шунда сизнинг шоирлик маҳоратингиз етилиб бораверади.

Келажак ёшларимизники. Ота-боболаримиздан қолган адабиётимизнинг оғир карвонини бизларни қаторларимизга, ёши улуғ авлод бор кучини сарфлаб бугунги кунга омон етказди. Энди бу карвоннинг юкини ўзларини билими, ижодкорлик салоҳиятини аждодларимиз насиҳатларига таяниб, устозларни қадрлаб ўзидан кейинги авлодга оғишмай, омон етказиш бугунги ёшларнинг вазифасидир. Адабиёт юкини елкасига олиб шаҳдам қадам ташлаётган келажак ворисларига халқ дардини англаш, унинг қувончларини биргалашиб мадҳ этишда куч-ғайрат, шижоат тилайман.

**Ўктамой ХОЛДОРОВА суҳбатлашди.**

Reklama

**«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига **1.** «TEXNOLOGMASH» ШК томонидан Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 284-уй мазилидаги давлат рақами 01/159 WBA бўлган, 1990 йилда и.ч, 898 917 сўм бошланғич нархдаги РАФ 220301 русумли, давлат рақами 01/160 WBA бўлган, 1990 йилда и.ч, 2 240 000 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 5201 русумли, давлат рақами 01/158 WBA бўлган, 1993 йилда и.ч, 1 560 750 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 310290 русумли, давлат рақами 01/2369АА бўлган, 1990 йилда и.ч, 2 747 496 сўм бошланғич нархдаги ОДАЗ 9357 русумли, давлат рақами 01/161 WBA бўлган, 1984 йилда и.ч, 7 987 500 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 5410 русумли, **2.** «O`ZBEKISTON SHAMPANI» ОАЖнинг Тошкент шаҳар, С.Машҳадий кўчаси, 186-уй манзилидаги давлат рақами 01 228 QCA бўлган 1992 йилда и.ч., 16 535 260 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 5320 русумли, давлат рақами 01 229 QCA бўлган 1989 йилда и.ч., 15 611 502 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 55102 русумли, давлат рақами 01 525 CCA бўлган 1999 йилда и.ч., 19 018 276 сўм бошланғич нархдаги НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 01 767 LBA бўлган 1997 йилда и.ч., 17 853 706 сўм бошланғич нархдаги НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 01 797 DCA бўлган 1996 йилда и.ч., 17 21 093 сўм бошланғич нархдаги НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 01 515 CCA бўлган 2007 йилда и.ч., 26 885 000 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 3102-581 русумли, **3.** «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖнинг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилидаги давлат рақами 01 037 UBA бўлган 2006 йилда и.ч., 18 500 000 сўм бошланғич нархдаги ГБАСПГ НЕКСИЯ СОНС русумли автомототранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2013 йил 2 декабрь куни соат 11:00 да, ушбу савдо кунида сотилмаган автопранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2013 йилнинг охиригача ҳар душанба кунлари соат 11:00 да бўлади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилашидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**

**Тел: 144-66-55, 233-33-37.**

*Гувоҳнома: №005424*



**Халқ оғзаки ижоди**

# БАХШИЛАРИ ЭЛ БОТИР БЎЛАР



### ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ

(1868-1937) Самарқанд вилояти, Нурота туманининг Жўш даҳасига қарашли Қўрғон қишлоғида туғилган.

Устози — Жуманбулбул Мулла Холмурод ўғли. «Равшан», «Кундуз ва юлдуз», «Кунтуғмуш», «Якка Аҳмад», «Далли», «Холдорхон», «Алпомиш» каби ўттиздан ортиқ достонлар ва кўплаб термаларни ижро этган.

Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган, араб ва форс тилларини яхши билган.

«Таржимаи ҳол», «Келдим» каби замонавий асарлар яратган.

## «КУНТУҒМИШ» ДОСТОНИДАН

Хонумоним бўлди чун барбод дастингдан, фалак,
Бўлмади ғамгин бу кўнглим шод дастингдан, фалак,
Қилмадинг асло дилим обод дастингдан, фалак,
То қиёмат дод этарман, дод дастингдан, фалак,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Шоҳларнинг шоҳи эрдим, ҳукм этардим ўлтириб,
Золимига жабр айлаб, ўғри бўлса ўлтириб,
Ҳукми шоҳликнинг адолат бирла даврини суриб,
Золимлар қўрқар эрди, бу ёмон ҳукмим кўриб,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Неча шаҳзодлар билан ҳар ерда майдон ўйнашиб,
Гоҳларда от чопиб, гоҳларда чавгон ўйнашиб,
Гоҳи гўйбозлик қилиб, майдонда ҳар ён ўйнашиб,
Гоҳ қиличлар силташиб, тиғ ила жавлон ўйнашиб,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Отланар бўлсам, қўшин мағрибу машриқ томон,
Айланиб кетмас эди бошимда ҳар кун минг ғулом,
Шоҳлардан минг киши ҳар эрта келарди салом,
Кунда минг мулло келиб тафсирдин айларди баён,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Отланар бўлсам, қўшин чиқар эдилар лак-балак,
Минг хачир хизматда эрди, яна эрди минг эшак,
Яна сонсиз сувор ташир эди хору хашак,
Яна юзта фил юрарди устида заррин тўшак,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Отимни Кунтуғмиш дейди, мен Нўғайнинг хониман,
Дилбаридан айрилиб, мен бир ажаб сарсониман,
Олдириб икки кўзимни дийдайи гирёниман,
Онадан бахти қаро туғдим, шунинг ҳайрониман,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!



### ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИ

(1872-1955) Самарқанд вилояти, Булунғур туманининг Лойқа қишлоғида туғилган.

Устози — Йўлдош шоир. «Алпомиш», «Ёдгор», «Ширин билан Шакар», «Рустамхон», «Малика Айёр», «Машриқо», «Интизор», «Балогардон», «Нурали», «Жаҳонгир» каби ўттиздан ортиқ достонларни ва кўплаб термаларни куйлаган. «Очилдов», «Жиззах қўзғолони», «Маматкарим полвон» каби замонавий достонлар яратган.

## «АЛПОМИШ» ДОСТОНИДАН

Йилқичинда ўзи келган синлидир,
Товушқон туёқли, марол беллидир,
Аросат кунида ажаб қоллидир,
Қимматбаҳо экан ўзбекнинг оти.
Минганларнинг яқин етар мақсади
Қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти,
Асл тулпор экан ўзбекнинг оти.
Ўзи шундай, келган экан човкар кўк,
Қуйруғидан берисида кири йўқ,
Қандай бўлса минганларнинг кўнгли тўқ.
Мен биламан илдамликда тенги йўқ.
Қимтинса ўтади осмонда қушдан,
Белига ярашган карк қубба пуштан,
Ҳеч камлик қилмайди йўрға юришдан,
Умид қилма Ойбарчиндай бувишдан.
Асл тулпор экан ўзбекнинг оти.
Буни минган Қўнғиротнинг бекзоди
Ўн икки ой сен отингни боқтирсанг,
Йўл-йўлакай йўлга гулмих тўктирсанг
Авайлаб ўзади ўзбекнинг оти.
Бедов миниб, от абзалин шайласанг,
Пойга қилиб кўп шумликни ўйласанг,
Пойганинг бошида тортиб бойласанг,
Ўн беш кун илгари берман ҳайдасанг,
Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти.
Аввал қулоқ солгин айтган тилларга,
Сенга тақдир қилмас Барчин гуллар-а
Чопа берсанг олтойчалик йўллар-а,
Инграса ўзади ўзбекнинг оти.
Қалмоқ элда от бўлмайди баробар,
Умид узиб кета бергин қалмоқлар,
Отинг ўзолмаса нима қиласан,
Бир ўзбекдан изза бўлиб қоласан,
Беҳуда урушиб ҳалок бўласан.
Қаердан чопсанг ҳам аввал келади,
Тенг бўламан деган отлар ўлади.
Барчинойни ўзбек оти олади,
Бошқа от минганлар ҳалок бўлади.



### ИСЛОМ ШОИР НАЗАР ЎҒЛИ

(1874-1953) Самарқанд вилояти, Нарпай туманининг Галақассоб қишлоғида туғилган.

Устози — Эрназар Хизр ўғли. «Алпомиш», «Ҳасанхон», «Орзигул», «Гулихиромон», «Сохибқирон», «Эрали ва Шерали», «Далли» каби ўттиздан ортиқ анъанавий достонларни куйлаган. Уста дўмбирачи бўлган. Кўплаб замонавий терма, қўшиқлари мавжуд.

## ТЕРМАЛАРДАН

Куйган қулга кенг мамлакат тор экан,
Адашганлар бир-бирига зор экан.
Ҳамма жойда йўқ деб келди хабаринг,
Шукур, сени кўрар куним бор экан.
Ўғлидан айрилган қари хор экан.
Ўғил қатордаги бир маст нор экан.
Борган-келган ўлган девди ўзингни,
Шукур, сени кўрар куним бор экан
Сеникидир Оқтош элнинг қўрғони,
Танимнинг қуввати, жисмимнинг жони
Қайси элга бординг, Оқтош полвони?
Интизор бўлдим сени кўргани,
Қариликда отанг кўрди юзингни.
Энди ўлсам, болам йўқдир армоним,
Топширай қўлингга элу юртимни.
Кўрар кўзим, бир наргисим сен эдинг,
Бу йўлингда сарғайтирдинг бетимни,
Қўлингга топширай давлат-тахтимни,
Сен қўлингга ол адолатимни,
Қариганда, қартайганда бу отанг,
Сувон мардга бердим мамлакатимни.

**Нашрга тайёрловчи:**
**Шомирза ТУРДИМОВ,**
**филология фанлари доктори**



### МУҲАММАДҚУЛ ЖОНМУРОТ ЎҒЛИ ПЎЛКАН

(1874-1941) Самарқанд вилояти, Хатирчи туманининг Қатағон қишлоғида туғилган.

Устози — Жассоқ Холмурод ўғли. «Гўрўғли», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Авазхон», «Авазни излаш», «Ҳасанхон», «Чамбил қамали», «Бўтакўз», «Қиронхон», «Бердиёр оталиқ», «Шайбонийхон» ва бошқа етмишдан ортиқ анъанавий достонларни куйлаган.

## «ГЎРЎҒЛИ» ДОСТОНИДАН

Юрт қадрини шоҳлар билмас,
Тилла тахтдан тушмагунча,
Эл қадрини беклар билмас,
Бошқа элга ошмагунча.

От қадрини йигит билмас,
Яёв йўлга тушмагунча,
Эр қадрини хотин билмас,
Ёмон ерга тушмагунча.

Ёр қадрини йигит билмас,
Ёмон хотин олмагунча.
Куш қадрини сайёд билмас,
Қарчиғайни солмагунча.

Қўш қадрини деҳқон билмас,
Новвос, ҳўкиз қўшмагунча.
Тўн қадрини йигит билмас,
Тўн эгнидан тушмагунча.

Элнинг қадрин шоҳлар билмас,
Бошқа юртга ошмагунча.
Марднинг қадрин одам билмас,
Номардга бош қўшмагунча.

Ёмонлар тортсин жазосин,
Бериб ҳар ким изосин!
Бек билмас инъом мазасин,
Ҳотам бўлиб тушмагунча.

Сўз деган бир гавҳар бўлар,
Қадрин билсанг жавҳар бўлар,
Суханвор қадрин на билсин,
Маънисига тушмагунча.

Бир барнонинг кўп ақли,
Зарафшон бўйли кокили.
Ҳур юзлининг қадрин билмас,
Ёмонга бош қўшмагунча.



**Оғир атлетика**




## Яратилган имконият ўзини оқламоқда

*Польшанинг Вроцлав шаҳрида бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати юртдошларимиз учун омадли якунланди. Мусобақада 105 килограммгача бўлган вазнда иштирок этган вакилимиз Руслан Нурриддинов даст кўтаришда 190 кг., силтаб кўтаришда 235 кг. ҳамда икки кураш якунига кўра 425 килограмм натижа қайд этиб, учта олтин медални қўлга киритди. Андижон оғир атлетика мактаби тарбияланувчисининг ушбу ғалабаси шарафига мамлакатимиз мадҳияси садолари остида байроғимиз кўтарилди.*

Бундан ташқари, Нурриддинов ўзбек оғир атлетикачилари ўртасида биринчи бўлиб жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Эсингизда бўлса, у 2011 йилда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида оғир атлетикачи спортчиларимиз орасида биринчи бўлиб илк кумуш медални қўлга киритган эди.

2013 йил 25 февралда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид» қарорига асосан мамлакатимиз оғир атлетикачилари ҳар бир турнир, мусобақа, Осиё ва жаҳон чемпионатларида имкон қадар яхшироқ иштирок этишга ҳаракат қилаяптилар. Бундай беллашувларда эришилган ҳар бир очко кейинчалик спортчиларимизга Рио-де-Жанейро олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ўзига хос йўлланма ҳамдир. Руслан Нурриддинов Лондон — 2012 олимпиадасида ўз вазн тоифасида кучли тўртликка кира олгани ундан келажакда янада юқори натижаларни кутишимизга асос бўлган эди. Шундан сўнг Хитойда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги олимпия ўйинларида Руслан муваффақиятли иштирок этиб, шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олгани тасодифий эмаслигини исботлади.

Оғир атлетика спорт тури Эрон, Америка, Хитой, Жанубий Корея, Россияда анча ривожланган. Эндиликда Ўзбекистон оғир атлетика мактаби ҳам юқорида номлари тилга олинган мамлакатлар қаторидалиги мамлакатимизда мазкур спорт турининг ривожланиши ва оммавийлашиши борасида амалга оширилаётган ишларнинг самараси, десак муболаға бўлмайди.

Бундай изчил саъй-ҳаракатлар самараси мазкур жаҳон чемпионатида ҳам кўринди. Нуфузли мусобақада 77 килограмм вазн тоифасида қатнашган Осиё чемпиони У. Алимов штангани даст кўтаришда 158 килограмм натижа қайд этиб — тўртинчи, силтаб кўтариш бўйича 197 килограмм кўрсаткич билан эса иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медалга сазовор бўлди. Бу натижа жаҳон чемпиони Руслан Нурриддинов издоши оғир атлетикачимиз У. Алимовга икки кураш бўйича 355 килограмм кўрсаткич билан кучли учликдан жой олиб, яна бир бронза медални қўлга киритиш имконини берди.

**Футбол**

## Нимчорак финал, бу ҳали бошланиши

*Шу кунларда БААда ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги U-17 жаҳон чемпионати давом этмоқда.*

Кеча нимчорак финал учрашувлари якунланиб, чорак финалга йўлланма олган саккиз жамоа номи аниқланди. Афсуски, нимчорак финал Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси учун охирги босқич бўлди. 28 октябрда БААнинг Шаржа шаҳрида Гондурас терма жамоаси билан чорак финал масаласини ҳал этишга киришган юртдошларимиз рақибларига 1:0 ҳисобида имкониятни бой берди.

Ўйиндан аввал мазкур учрашувда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг ғалабаси тахмин қилинаёган эди. Аммо нимчорак финал баҳсида Дилшод Нуралиев шогирдларининг маҳорат бобидаги камчиликлари кўзга ташланиб қолди. Майдоннинг барча нуқтасида гондураслик футболчилар вакилларимизга имконият қолдиришмади. Майдондаги ҳаракатларни ҳис этиш, вазиятларни кўра билиш, тезлик, рақибни моҳирлик билан чалғитиш, ўзаро тўп оширишлардаги аниқликлар борасида рақибларимиз устунлигини намоён эта олди. Шу куни омад ҳам яққол рақиблар томонида бўлди.

Энг муҳими, чемпионат давомида ўсмирларимиз намойиш этган ўйинлар мухлисларни руҳлантиргани бор гап. Бу ҳақда ҳали мухлис ва мутахассислар томонидан жуда кўп фикр ва мулоҳазалар билдирилса ажаб эмас, албатта. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этилишига ва келажакда ана шундай йигитларимиздан моҳир футболчилар етишиб чиқишига ишониб қоламиз.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-23-35, 236-23-27, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими:
Тел: 233-36-02.

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — (+99894)-262-25-33,
Қорақалпоғистон — (+99891)-384-41-61.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

Навбатчи:
Жобир Хўжақулов

Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 20 00

Адади: 4374 Буюртма — J-8379 1 2 3 4 5